Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 4 (3505)
ПАЙШАНБА
5 ЯНВАРЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

Кўн-мўйна заводи коллективи юбилей йилини 10 миллион 900 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш билан кутиб олиб, йиллик план ва мажбуриятларини ортиғи билан бажарди. Йиллик планга қўшимча реализация қилинган маҳсулот қарийб 700 минг сўмликни ташкил этди.

Мўйначилар юбилей йили бошида планга қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олишганди. Кейинчалик бу мажбурият қайта кўриб чиқилиб, коллектив 650 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилди. Мана, бугунги кунда мўйначилар бу ваъдаларини ортиғи билан бажариб, янги йилни ёруғ юз билан кутиб олишди.

Корхонада Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақада Ш. Зоҳидов, В. Ларионова, тикувчилар Н. Аҳмедова, Р. Орипова лар пешқадамлик қилишди.

Ҳозир завод учун Қорақамиш саноат зонасида мўйнани ошлаш ва бўяш цехи қурилмоқда. Эски территорияда тикув цехининг тўрт қаватли корпуси қад кўтаради. Ўнинчи беш йилликда заводнинг қуввати икки баравар ортиб, у шаҳримиздаги йирик енгил саноат корхоналаридан бирига айланади.

ЗАРБДОР ЯКУН

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг колхозлардаги қурилиш бўйича давлат кооператив бирлашмаси коллективи ўнинчи беш йилликнинг юбилей йилини муваффақиятли якунлади.

Республика колхоз ва совхозларида жами 200 минг квадрат метр ҳажмдаги замонавий турар жой, 62 минг ўринли мактаб бинолари, 14,5 минг ўринли болалар муассасалари, 15 минг ўринли клуб ва маданият саройлари, 1 минг 300 ўринли шифохоналар қуриб берилди. Бундан ташқари, чорвачилик комплекслари, минерал ўғит ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган омборлар, паррандачилик комплекслари ва бошқа кўплаб объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

Колхозларда қурилаётган объектларда йирик панелларни ва прогрессив конструкцияларни қўллаш 1975 йилдагига нисбатан анча ўсди.

Бирлашмада Н. Злобин методи бўйича ишлаётган бригадалар сони 465 тага етди. Раҳмонали Ҳайдаров, Жўрабой Ҳасанов бошлиқ комплекслашган бригадалар каби ўнлаб бригадалар коллектив ютуғига салмоқли ҳисса қўшяптилар.

М. ТЎЛАГАНОВ.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

▲ Ўртоқ Л. И. Брежнев Тюмень областидаги «Медвежье» газ конида муддатидан илгари лойиҳа қувватига эришилгани муносабати билан Газ саноати министрлигининг «Надимгазпром» бирлашмаси ходимларини, Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлигининг қурувчилари ва монтажчиларини, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларини, газ конини ўзлаштиришда иштирок этганларнинг ҳаммасини самимий табриклайди.

▲ Учишни бошқариш маркази хабар қилади: космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко инсон бошқарадиган «Салют-6» илмий станциясидаги ишларини давом эттирмоқдалар. Биология тадқиқотлари программаси бўйича космик учиш омиллари таъсирида сувда ва қуруқликда яшайдиган жониворларнинг ўсишини ўрганишга доир эксперимент поёнига етказилди.

МЕТАЛЛ—УМУМХАЛҚ БОЙЛИГИ

уни тежаб-тергаб сарфлаш саноат, қурилиш, транспорт ходимларининг муҳим вазифасидир

Шаҳар саноат корхоналари, транспорт, алоқа ташкилотлари коллективлари беш йилликнинг учинчи йили план ва мажбуриятларини бажаришга юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида киришдилар. Улар оз маблағ сарфлаб, кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни шиор қилиб олишди. Бу эса ўз навбатида тежамкорлик режимини кучайтириш, металдан ва бошқа хом ашёлардан самарали фойдаланиш учун кураш олиб боришни тақозо этади.

Тежамкорлик режимига қатъий риоя қилиш, метални авайлаб сарфлаш ҳозирги босқичда бизнинг улкан халқ хўжалигимиз учун ғоят муҳимдир. Мамлакатимиз халқ хўжалигида буюмлар учун металл сарфлашни атиги бир процентга камайтириш бутун мамлакат бўйича миллий даромадни 4 миллиард сўмга ошириш имконини беради.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Джизакстепстрой» бошқармаси ва «Главсредазирсовхозстрой»нинг Янгиердаги В. И. Ленин номли қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати коллективларининг ишлаб чиқаришда моддий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш бўйича ташаббусини маъқуллади. Шу қарор асосида ҳар бир саноат корхонасида, транспорт, алоқа, қурилиш ташкилотларида моддий ресурсларни, шу жумладан метални тежаб-тергаш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш лозим.

Ахир, ҳозир шаҳарнинг бир қатор корхоналарида, шу жумладан «Ташавтоматика», консерва, махсус мебеллар, санитария-техника ускуналари заводларида, тўқимачилик комбинатида буюмлар ортиқча харажатлар билан, маҳсулот таннархи қимматлашиб кетган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда-ку.

Метални тежаш учун бўш кураш олиб борилмоқда. Кўпинча трактор, подшипник ремонти заводларида қириндилари, темир-терсакларни йиғиш ва саралаш қоидаси бузилади.

Меҳнат коллективларининг бурчи тежамкорлик режимини кучайтиришдан; буюмларга сарфланадиган метални камайтиришда ҳар бир килограмм, грамм рангли ва қора метални тежашдан иборатдир.



Экскаватор тажриба-механика ремонти заводи. Бу ерда қуюв цехининг техник-мастери В. Желтов ва моделчи Ш. Умяров буюмларга кам металл сарфлаш бўйича кўпгина қимматли таклифлар билан чиқишган. Улар яратган янгиликлардан бири —насос қурилмалари учун тўғриловчи аппаратлар тайёрлаш ҳар бир буюмдан 30 килограмм чўянни тежаб қолиш имконини берди. В. Желтовнинг бошқа рационализаторлик таклифлари ҳам пўлат қуймаларини тежаб қолишга ёрдам бермоқда.

СУРАТДА: заводнинг энг илғор рационализатори техник-мастер В. Желтов (чапда) ва моделчи Ш. Умяров.

М. Нуриддинов фотоси.

ТЕЖАМКОРЛИК САМАРАСИ

«Материал ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги оширилсин. Маҳсулотларга материаллар сарфи бутун чоралар билан қисқартирилсин. Бунинг учун прогрессив конструкторлик ечимлари кенгроқ қўлланилсин, технология жараёнлари такомиллаштирилсин. Маҳсулотнинг тежамли турларини ишлаб чиқариш кўпайтирилсин, улар пухта ва комплекс тарзда қайта ишлансин, иккиламчи ресурслардан фойдаланиш кенгайтирилсин».

(«1976—1780 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари»дан).

Темирчилик цехи Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг энг кўп металл сарфлайдиган цехларидан биридир. Коллектив қўл меҳнатини механизациялаштириш ва автоматлаштириш бўйича кўп иш қиляпти. Ҳар бир янгилик меҳнат ресурсларини, маблағларни ва самолёт учун керак бўлган деталларнигина эмас, балки бошқа зарур бўлган материалларни ҳам тежаб қолиш имконини беряпти.

Цехда ташкилий-техник тадбирлар плани бор. Унда асосан янги технологияни, асбоб-ускуналарни, илғор иш усулларини қўллашга биринчи даражали эътибор берилган. Жумладан, 40 хил деталь юқори қувватли кўп плунжерли прессга ўтказилди. Бу эса темирчилик цехи инженерларига 1977 йилда 2525 килограмм рангли метални тежаб қолиш имконини берди.

Ишлаб чиқариш новаторлари ва рационализаторлари иқтисод ва тежамкорлик ишига салмоқли ҳисса қўшяптилар.

Катта технолог Валентин Петров, темирчи-штамповкачи Асқар Зиёев, инженер Бахтиёр Худойберганов ва мастер Виталий Прохоровлардан иборат комплекслашган бригада фидокорона меҳнат қилмоқда. Ижодий фикр эгалари ҳозиргача ўнга яқин деталнинг янгиси билан алмаштирдилар, штамповкалашнинг самарали усулини ишлаб чиқдилар. Нима учун новаторлар технологияга ўзгартириш киритишга аҳд қилдилар? Чунки метални болға билан урганда майишиб, кўпроқ чиқитга чиқарди. Бунинг учун эса маълум ҳажмдаги қолип зарур эди. Деталь четидаги қириндиларни эса болға билан уриб туширишга тўғри келарди. Деталь тайёрлашнинг аста-секин такомиллаштириб борилиши оддий тайёрлов қолипидан янада мураккаб бўлган деталь тайёрлаш жараёнига ўтиш имконини яратди. Чунончи, облойнинг оғирлиги штампланган деталнинг 15— 20 процентини ташкил этади. Янги усул эса мутлақо чиқитга йўл қўймайди. Бу темирчилар, токарлар ва фрезерчилар учун жуда қулайдир.

— Метални тежашнинг кўпгина йўллари бор, — дейди мастер В. Прохоров.— Фақат ундан билиб фойдаланиш, тежаш резервларини қидирмоқ лозим. Мен, масалан архивда тез-тез бўлиб, деталь ва штампларнинг чизмаларини ўрганаман. Ҳатто, ишлаб чиқаришдан аллақачон олиб ташланган штампларнинг чизмаларини кўриб чиқаман, солиштираман. Гоҳо эски штампдан (озгина қайта ишлаш билан, гоҳида эса қайта ишловсиз) янги детални тайёрлаш учун фойдаланиш мумкин бўлади. Бундай изланиш баъзан катта самара келтиради.

Дарвоқе, тажрибали рационализатор (В. Прохоров ишлаб чиқаришга 28 та рационализаторлик таклифини жорий этиши натижасида 10 минг сўмликдан зиёд иқтисодий самара келтирди) ижодий изланишда бир мунча истиқболли ва фойдали бўлган йўлни танламоқда.

Темирчилик цехининг техника бюроси мутахассислари В. Прохоровнинг метални кам сарфлашга қаратилган кўпгина таклифларидан бирини кўрсатишди. Яқинда Виталий Григорьевич штампларнинг бир туридан тўрт комплект ўрнига иккитасини тайёрлашни таклиф этди. Бу қандай фойда келтирди? 5200 килограмм метални тежаб қолиб, 2867 сўм фойда келтирди.

Хуллас, тежамкорлик резервлари ҳар қандай иш жойида мавжуд. Рационализаторларнинг вазифаси эса уларни топиб, самарали фойдаланишдан иборат. Бу борада темирчилик цехида ва авиация бирлашмасининг бошқа корхоналарида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир.

А. КАШАПОВ.

«БАМГА—ПИОНЕР ПОЕЗДЛАРИ»

Пионерларнинг темир-терсак йиғиш бўйича Бутуниттифоқ меҳнат операцияси шундай деб аталади. Бунда йиғилган металлар Бутуниттифоқ зарбдор комсомол қурилиши — Байкал-Амур магистраллари учун тепловозлар ва вагонлар тайёрлашда ишлатилади.

1976 йилнинг охирида Ленин райони ўқувчилари вакиллари Октябрь революцияси номли завод клубида йиғилишди. Маълумки, бу донгдор корхона коллективи Улуғ Ватан уруши йиллари учта бронепоезд тайёрлаб берганди. Бу бронепоездлар душман устидан қозонган ғалабамизга салмоқли ҳисса қўшганди.

«Звездний» район штаби ва «Ленинец» район комсомол штаби район ўқувчиларига шундай деб мурожаат қилишди: «Оталаримиздан намуна олиб. 1977 йилда — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги йилида БАМга аталган учта тепловоз қурилиши учун 400 тонна темир-терсак тўплайлик». Активистлар чақириғи районнинг барча ўқувчилари томонидан қўллаб-қувватланди. Улуғ Октябрь юбилейини муносиб кутиб олиш бўйича болалар олган мажбурият ортиғи билан бажарилди. 1977 йилда Ленин райони пионерлари ва ўқувчилари 410 тонна темир-терсак тўплашди.

Бу металл БАМ учун тайёрланадиган учта тепловозни тайёрлашга етиб ортарди. Тошкентнинг кўпгина аҳолиси 12-маршрутда қатнайдиган трамвай вагонини кўришган бўлишса керак. Унинг ёнига чиройли ҳарфлар билан «175-мактаб пионерлари томонидан йиғилган темир-терсакдан тайёрланган» деб ёзиб қўйилган.

175-мактабнинг Аркадий Гайдар номли дружинаси пионерлари 22 тонна метални Ўзбекистон пойтахти аҳолисига туҳфа қилишди. Айниқса. 7-«Б» синф пионерлари отряд советининг раиси Оля Иванова, район пионер штаби раиси Женя Задиряка (дарвоқе, Женя 2 тоннага яқин макулатура йиғди), Нодир Парпиев, Света Леонова, Ваня Минченко, Юра Гарягин, Алик Тевис ва бошқалар яхши меҳнат қилишди.

Райондаги мактабларнинг пионер коллективлари, юқори синфда ўқийдиган комсомоллар янги йилда ВЛКСМнинг 60 йиллиги шарафига пионер отрядларининг «Биз сенинг содиқ ўринбосарингмиз, комсомол» Бутуниттифоқ маршининг янги босқичи маршрутлари бўйлаб қадам ташлаб, меҳнат операцияларида янги мажбуриятлар қабул қилишади. Пионер метали Ватанимизга асқотади.

Т. СИЗОВА,
Ленин район халқ маорифи бўлимининг мудири.

АСОСИЙ ЭЪТИБОРДА

«Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги депутатлик группаси 13 кишидан иборат. Ўтган йили маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан сўнг «Ўзбексельмаш» заводининг депутатлари йиғилиб, муфассал иш планини туздилар. Ана шу планнинг энг муҳим бандларидан бири метални тежаб-тергаб сарфлашга қаратилди. Бу борада бирлашмада яхши натижаларга эришилди.

Масалан, корхонада бевосита депутатларнинг иштироки билан модернизациялаштирилган кўрак чувиш машинаси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу машинага илгаригисига нисбатан кам металл сарфланди. Натижада йил давомида 6 тонна металл иқтисод қилишга эришилди.

Депутатлар шунингдек, металдан тайёрланадиган деталларни пластмассадан тайёрлашни қаттиқ назорат остига олдилар. Ўтган йили депутатларнинг таклифи билан сеялкалар учун шкивларни пластмассадан тайёрлаш таклифи жорий этилиши туфайли 51 тонна чўян тежашга муваффақ бўлинди.

Завод рационализаторлари ҳам метални иқтисод қилишга муносиб ҳисса қўшдилар. Уларнинг таклифларини жорий этиш натижасида корхонада 100 тоннага яқин турли хил металл тежаб қолинди. Киров район Советининг депутати токарь В. С. Богатов, ишчилардан Н. Серокурова Н. Степанченколар киритган таклиф бирмунча қимматлидир.

ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН РЕЗЕРВЛАР

«ПОДЪЁМНИК» ЗАВОДИДА МЕТАЛНИ ТЕЖАШГА ЭЪТИБОР СУСТ

«Подъёмник» заводи турли хил кранлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, планларини доим бажариб келаётган корхонадир. Лекин бу ерда бир кўрсаткич ташвишланарли. Корхонада металл ортиқча сарфланяпти.

Шуни тан олиш керакки, кранлар тайёрлашга кўп металл талаб қилинади. Завод йилига 21 минг тонна металл сарфлайди. СССР Оғир транспорт машинасозлиги министрлиги корхона учун ҳар йили йиллик эҳтиёжнинг 3,5 проценти миқдорида металл тежашни режалаштиради. Бу 700 тоннага яқиндир. Ўтган йилда эса корхона тежаш у ёқда турсин, аксинча 700 тонна метални ортиқча сарфлаб юборди. Бунинг сабаби нимада? Завод бош технологининг ўринбосари С. Зиминнинг айтишича, асосий таъминотчилардан бўлган Магнитогорск металлургия комбинати алоҳида профилдаги металлдан 700 тонна етказиб бериши керак эди. Лекин бу корхона ваъдасини бажармади. «Подъёмник» заводи раҳбарлари кран ишлаб чиқаришни барбод қилмаслик мақсадида Магнитогорскдан келадиган юпқа металлар ўрнига қалин металлардан ишлатишни таклиф этишди. Оқибатда металл ортиқча сарфлаб юборилди.

— Кўриб турибсизки, бу ерда заводнинг айби йўқ,— деб таъкидлади С. Зимин.— Метални иложсиз ортиқча сарфлаганмиз.

Лекин шу муносабат билан корхонада бошқа участкаларда метални тежаш бўйича тадбирлар белгиландими?

Бош технолог ўринбосари 1977 йилдаги тадбирлар планини кўрсатди. Уларнинг амалга оширилиши корхонада озгина бўлса ҳам метални тежаш имконини берди. Хўш, бу қандай тадбирлар экан? Айтайлик, краннинг асосий тўсинларини мустаҳкамлашда 6 миллиметрли деталлар ўрнига 5 миллиметр қалинликдаги деталлар ишлатила бошланганлиги 37 тонна метални тежаб қолиш имконини берди. Кўприк краннинг транспорт узели бурчагини такомиллаштириш натижасида 21 тонна металл тежалди. Ишлаб чиқариш чиқиндиларининг эса атиги 1,6 тоннасидан фойдаланилди. Корхонанинг кран тайёрлаш, темирчилик-пресслаш цехларида, металл конструкциялар цехида металл чиқиндилардан фойдаланишга етарли эътибор берилмаяпти, уларнинг кўпчилиги темир-терсак сифатида ташлаб юборилади.

Шундай бўлишига қарамасдан заводда бугунги кунда метални тежаш имкониятлари тугаган деб ҳисоблашади. Шунинг оқибатида 1978 йилда ўтган йилдагидан ҳам кам — борйўғи 30 тонна металл тежаш планлаштирилди.

Шунинг учун бу ерда коллектив резервларни излашга жалб этилаётганлигига, завод рационализаторлари ҳам бу ишга дуруст эътибор бермаётганлигига таажжубланмаса бўлади.

Иккиламчи қора металларни йиғиш ва сақлашда жиддий нуқсонлар мавжуд (корхонада бу иш учун директор ўринбосари А. Н. Киязов жавоб беради). 2-механика цехида пўлат қириндилар бошқа чиқиндилар билан қоришиб кетган. Кенг истеъмол буюмлари участкасида синган, яроқсиз чўткалар лой, кўлмак ичида ётибди. Ремонт-механика участкасида ҳам пўлат қириндилар ахлатга қоришиб кетган. Автокарлар участкасида ҳам шундай аҳволни кўрдик. Асбобсозлик цехида қора металл бўлаклари рангли металл билан аралашиб кетган.

«Подъёмник» заводи илғор корхона. У метални тежаб-тергаб сарфлашда, бу борада янги резервларни қидиришда барчага намуна бўлиши керак.

П. ХОЛХЎЖАЕВ,
«Узвторчермет» республика бошқармаси ходими.

А. БРОНШТЕЙН,
«Тошкент оқшоми»нинг штатсиз мухбири.

Қурувчиларга таъназмиз

Бир куни мен «Пахтакор» станцияси ёнидан ўтиб бораётгандим. Ўшанда бу ерда эндигина қурилиш тугаганди. Майдонда бульдозер ерни текисларди. Бир маҳал қарасам бульдозер арматура, швеллер, рельс парчаларини ерга кўмиб юборяпти... Участка бошлиғининг олдига бориб ҳаяжонланиб шундай дедим:

— Нима қилаётганларингизни биласизларми? Метални кўмиб юборяпсизлар-ку.

У эса бунга жавобан:

— Кўмиб юборсак нима бўпти? Революция хиёбонида ҳам шундай қилганмиз, — деди.

Биз тошкентликлар метросозларни жуда иззат қиламиз. Улар ўтган йили бизга жуда яхши совға ҳозирлашди: метронинг биринчи навбати ишга тушди. Лекин уларга айтадиган аччиқ гапларимиз ҳам йўқ эмас. Қурувчилар металга хўжасизларча муносабатда бўлишяпти. Улар ҳамма ишда металдан фойдаланишади. Агар металл етишмай қолса, қурилиш ҳам тўхтаб қолиши мумкин.

«Ташметрострой» тресть темир-терсак топшириш бўйича йиллик планни бажарди. Лекин мартен печларига анча кўпроқ металл етказиб бериш мумкин эди. Эҳтимол, метросозларнинг метални йиғишга вақтлари бўлмагандир. Лекин бу ишга пионерларни, комсомолларни жалб этиш мумкин эди-ку. Улар йўқ дейишмасди.

Бизнинг ходимларимиз «Ташметрострой» тресть раҳбарлари билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишди. Лекин бу ҳаракатимиз бефойда бўлди. Бир мисол келтираман. «Узвторчермет» бирлашмаси вакили О. Саметов 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Г. Галустянга расмий хат билан мурожаат қилиб, трестдан метални йиғиш, сақлаш ва ортиб жўнатиш бўйича инструкциялар қандай бажарилаётганлигини текшириш учун одам ажратишни талаб қилди. Г. Галустян бу мактубни йиртиб ташлаб, ходимимиз билан гаплашишни ҳам истамади.

6-темир-бетон буюмлари заводида ҳам ишнинг бу соҳасига етарли эътибор берилмаяпти. Йил мобайнида корхона 124 тонна темир-терсак етказиб бермади.

159-трест йиллик топшириқни бажарди. Лекин ойлик металл топшириш планларини зўрбазўр уддалади. «Жилстрой» трестида металл чиқиндиларни сақлашга яхши эътибор берилмаяпти. Бир марта улар келтирган метални саралаш учун қайтаришга ҳам мажбур бўлдик.

11-«Висотстрой» трестида эса бу соҳадаги ишлар намунали йўлга қўйилган. Унинг барча қурилиш ташкилотлари темир-терсакни белгиланган муддатда топширади ва уни яхши тежаб-тергайди.

Б. НИЕЗОВ,
«Узвторчермет» бирлашмасининг Тошкент шаҳри бўйича вакили.

ХЎЖАСИЗЛИК ИЗЛАРИ

Катта уюмдаги бу металлар Фарҳод ярмаркасида бир неча йилдан буён ётибди. Қачонлардир бу ерда аттракцион қурмоқчи бўлишган-у, келтирилган қимматбаҳо ускуналар монтаж қилинмай қолиб кетган. Шу билан давлатнинг неча минг сўми бекорга сарфланди. Эндиликда фақат қайта қуйишгагина яроқли бу металлар ҳамманинг эсидан чиқиб кетган.

Чилонзорнинг 26-кварталида бошқача манзарани кўриш мумкин. Бўшлиқ ерда бинонинг пойдеворигина қаққайиб турибди. Бу ерда бирон бир қурилиш олиб борилиши кўзда тутилганлиги табиий. Лекин темир-бетон асослар бекорга сарфланганлиги аниқ.

Бу икки мисол халқимиз етиштирган маҳсулотларнинг несиобуд бўлаётганлигидан далолат бериб турибди.

Я. МОРДУХАЕВ,
район Совети депутати.

Шарҳчи

сатрлари

ЭСКИ ҲАММОМ, ЭСКИ ТОС

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг (етакчи капиталистик давлатларнинг 24 таси шу ташкилотга аъзо) статистика хизмати бошлиғи Жон Фей яқинда бундай деди: «Мен умидсиз киши бўлмасам ҳам 1978 йилда ғарбдаги хўжалик тараққиётининг истиқболларини порлоқ деб айта олмайман».

Бу гаплар жуда ҳам асослидир. Лоақал иш билан таъминлаш масаласини олиб кўрайлик. Капитализм дунёсида кўп йиллардан буён ишсизлик энг баланд даражада турибди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти экспертларининг фикрича, бу йил ҳам ишсизлар сони 17 миллион кишига етади. Ваҳоланки, ўтган йилнинг охирида 16.3 миллион ишсиз рўйхатга олинган эди.

Шу қадар кўп ишсизларнинг иш топиб, тирикчилик қилиш имкониятлари қисқариб боряпти. Кун кечириш жуда қимматлашиб кетди. Ғарб мамлакатларидаги магазинларнинг витриналарига қўйилган энг зарур молларнинг нархлари тинмай ошиб бормоқда. Ана шу ташкилотнинг маълумотларига қараганда, бу йил нарх-наво ўрта ҳисобда яна 9 процент кўтарилади.

Ишсизлик, инфляция кенг тус олганлиги ва бунинг устига ишлаб чиқаришнинг пасайиб бораётганлиги ташқи мол сотиш бозорлари учун курашни янада кескинлаштириб юборади, савдо-сотиқ зиддиятларини авж олдиради, валюта тартибсизликларини кучайтиради.

Эски йилнинг охирги кунида Америка долларининг қиммати Ғарбий Германия маркаси, Япония иенаси ва Ғарбий Европадаги бошқа валюталарга нисбатан жуда ҳам пасайиб кетди. Ваҳоланки, Америка доллари «етакчи» валюта деб ҳисобланади. Жаҳон капиталистик хўжалигида бутун ҳисоб-китоб системаси шу долларга асосланади.

Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлган мамлакатларга пўлат келтиришни чеклаш тўғрисидаги қонун янги йилнинг биринчи кунидаёқ кучга кирди. Ғарбий Европанинг савдо-сотиқ соҳасида Америка ва Япониядаги рақобатчилар билан кураши шу тариқа авж ола бошлади.

Эски, 1977 йил ҳал этилмаган проблемаларнинг оғир машаққатларини янги, 1978 йилга «туҳфа» қилиб қолдирганлиги яққол кўриниб турибди. Аммо булар янги проблемалар эмаслигини, ғарбдаги етакчи капиталистик мамлакатлар экономикаси дучор бўлган касаллик вақтинчалик бир ҳолат бўлмай, доимий характерга эга эканлигини кўрсатди.

С. СТОКЛИЦКИЙ,
ТАСС шарҳловчиси.

телетайп лентасидан

▲ **БУХАРЕСТ.** Ўтган йили Румыния қишлоқ меҳнаткашларига етказиб берилган моллар ҳажми икки миллиард лейдан зиёд кўпайди, уларнинг тури ортди. Қишлоқ жойларида телевизорлар, холодильниклар, кир ювиш машиналари ва узоқ вақт фойдаланиладиган бошқа буюмлар сотиш деярли икки баравар ошди. Буларнинг ҳаммасига деҳқонларнинг даромади кўпайганлиги туфайли эришилди.

▲ **ПАРИЖ.** Касаба союзларнинг маълумотларига кўра, Франциянинг қурилиш фирмалари 1972 йилдан буён ишчилардан 200 минг кишини ишдан бўшатишган. Шу давр мобайнида рақобатга бардош бера олмаган ўн минглаб майда ва ўрта даражадаги қурилиш корхоналари ёпилган. Меҳнаткашлар ялпи ишдан бўшатишга жавобан иш билан таъминлашни ва иш ҳақини оширишни талаб қилиб, ўз курашларини кенгайтирмоқдалар. Улар Умумий меҳнат конфедерациясига кирувчи Қурувчилар федерациясининг ташаббуси билан 16— 27 январда ҳаракат кунларини ўтказишга қарор қилдилар.

▲ **БОНН.** Бундан кейинги йилларда ГФР темир йўл транспортида яна кўплаб кишилар ишдан бўшатилади. Федерал темир йўл бошқармасининг раиси В. Ферст «Бильд-цайтунг» газетасининг ходими билан суҳбатда айтганидек, 1982 йилгача темирйўлчилардан қарийб 60.000 киши ишдан бўшатилади.

Кейинги йилларда ГФРда «рационализациялаш» тадбирлари натижасида темирйўлчилардан 40.000 киши ишдан маҳрум бўлди.

▲ **КАРАКАС.** Венесуэлада чиқадиган «Универсаль» газетаси АҚШнинг Латин Америкаси билан савдо-сотиқ қилиш соҳасидаги сиёсатини танқид қилди. Газета Вашингтоннинг Қўшма Штатлар импорт қилиб оладиган қанд-шакар божини 50 процент кўпайтириш тўғрисидаги қарорини қоралади. Бу чора Латин Америкасидаги бир қанча мамлакатларнинг экономикасига кескин таъсир этади. Бу чора экспорт қилинаётган бутун қанд-шакарининг салкам 90 процентини Америка бозорига етказиб бераётган Доминикана Республикасига айниқса қаттиқ зарба уради.

▲ **ЛУАНДА.** Ангола Халқ Республикасида «Жорнал ди Ангола» газетасининг ҳафталик иловаси— «Семанариу» журнали чиқа бошлади. Янги нашрнинг асосий вазифаси МПЛА —Меҳнат партиясининг сиёсатини ва мамлакат меҳнаткашларининг ана шу сиёсатни амалга ошириш учун олиб бораётган курашини пропаганда қилишдан иборатдир.

(ТАСС).

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН

Тошкент шаҳар Совети халқ маорифи бўйича доимий комиссияси 20 кишидан иборат. Халқ депутатлари тасдиқланган планга киритилган масалаларни тайёрлашда фаол қатнашмоқдалар. Уларнинг куч-ғайрати билан маҳаллий Советларга бўлиб ўтган сайловлардан буён ўнлаб масалалар ҳал этилди. Жумладан, Киров районидаги мактабларнинг қишда ишлашга тайёргарлиги тўғрисида 9, 17, 51-мактабларда текширувлар ўтказилди. Ана шу текширувлар натижаси юзасидан ўтказилган мажлисда депутат Г. Зияев ҳисобот берди. Текширув ўтказилган мактабларда шаҳар ижроия комитети ва халқ маорифи томонидан қиш даврига тайёргарлик кўриш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилди.

Доимий комиссия ўз фаолиятида асосий эътиборни юқори органлар томонидан ҳамда ўзлари қабул қилган қарорларнинг вақтида бажарилишига, уларнинг ижросини контроль қилиб боришга қаратиб келмоқда. Чунки ҳар қандай ишнинг муваффақияти ва самарадорлиги қабул қилинган қарорларнинг бажарилишига боғлиқдир.

Бўлиб ўтган мажлисларда доимий комиссия раиси Э. Н. Куценко комиссия аъзоларини жойларда олиб борилган текширувлар натижалари, навбатдаги вазифалар билан таништиради. Шундай йиғилишлардан бирида депутат Л. Г. Пешкова 105, 70, 88-мактабларда олиб борилган текширувлар натижаси тўғрисида ахборот берди, мактаб ва боғчаларда қиш даврида ишлашга пухта тайёргарлик кўрилганлигини таъкидлади.

Доимий комиссия аъзолари томонидан олиб борилган текширувлар натижаси шаҳар ижроия комитетида кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Шаҳар халқ маорифи бўлимида юқори органлар томонидан ва ўзи қабул қилган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боришнинг аҳволи тўғрисидаги масала ижроия комитетига ҳавола қилинди. Комиссия мажлисда шаҳар халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари Л. М. Горячева шаҳар ижроия комитети қарорларини бажариш юзасидан белгиланган тадбирлар тўғрисида ахборот берди. Декабрь ойида доимий комиссия аъзолари Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларида ишчи-кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги масала билан шуғулландилар. Бу билан бирга 1978 йил иш плани муҳокама этилди.

1978 йилнинг январь ойида шаҳар ҳунар-техника билим юртларида ижтимоий фанлардан дарс беришнинг аҳволи тўғрисидаги масала шаҳар партия комитетида муҳокама этилади. Ҳозир доимий комиссия халқ маорифи бўлими комиссияси билан бирга шу масалани тайёрламоқда.

Комиссия 1978 йил иш планини муҳокама қилганда 1977 йил 29 декабрда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларга таълим, тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқиш, қарорни амалга ошириш юзасидан комплекс тадбирлар планини белгилашни ўз фаолиятининг асосий мезони деб билди.

— Бу қарорнинг қабул қилиниши КПСС XXV съездининг халқ маорифи соҳасидаги қарорларини муваффақиятли амалга ошириш борасида муҳим сиёсий-ижтимоий ва давлат аҳамиятига эгадир, — дейди халқ маорифи бўйича доимий комиссия раиси Э. Н. Куценко. — Бутун мамлакатдаги каби шаҳримиз халқ маорифи соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Барча мактабларда умумий мажбурий ўрта таълимга ўтиш ниҳоясига етказилди.

Шу билан бирга умумий мажбурий ўрта таълим шароитида ўқувчиларга меҳнат таълими, тарбияси бериш ва касб танлашни ўргатишнинг ҳозирги аҳволи ижтимоий ишлаб чиқариш ва фан-техника тараққиётининг юксалиб бораётган талабларига мувофиқ эмас.

Доимий комиссия ваколати муддатида партия ва ҳукумат қарорини амалга оширишда асосий диққат-эътиборини умум таълим мактабидаги таълим-тарбия жараёнининг ташкил этилиши устидан етарли назорат олиб боришга қаратади.

Партия ва ҳукуматнинг ушбу қарорини изчиллик билан амалга оширишда халқ депутатлари район ва шаҳар Советлари олдига ҳам бир қатор муҳим вазифалар қўйилган. Жумладан, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари ҳузурида мактаб ва бошқа ўқув юртларининг, ишлаб чиқариш коллективлари, жамоат ташкилотлари ва ота-оналарнинг вакиллари иштирокида ўқувчиларга касб танлашни ўргатиш ишларини уюштириш ҳамда ўрта мактабларни битириб чиққанларга ишга жойлашиш учун комиссиялар тузиш зарур, деб топилган.

Шунингдек, халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари, ёш техниклар, ёш табиатшунослар станциялари ва мактабдан ташқари бошқа муассасалар тармоқларини кўпайтириш учун бўшаб қолган мактаб биноларидан фойдаланишга рухсат берилган. Улар бундай имкониятлардан оқилона фойдаланишлари керак.

Бу ва бошқа белгиланган тадбирларни амалга ошириш ўрта умумий таълимни кундузги ва кечки мактабларда янада такомиллаштириш, олий ўқув юртларида етук ёш мутахассислар тайёрлаб, уларни ўрта мактабларга юбориш, ҳунар техника билим юртлари, интернатлар, муассасалар фаолиятини яхшилаш имконини беради. Комиссия аъзолари эътиборини ана шундай муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратмоқдалар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

• *Беш йиллик вахтасида*

ЮКСАК МАРРА

Шаҳримиздаги барча илғор саноат корхоналари қаторида Ленин орденли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ҳам юбилей йилини катта ютуқлар билан якунлади. Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат аҳли билан мусобақадош бўлган бу коллектив ўтган йили пландан ташқари 2800 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. 14 турдаги маҳсулот Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилди. Тикувчилар бу муваффақиятга корхонада ўзаро социалистик мусобақанинг авж олдирилиши, илғор тажриба ва технология асосларининг барча ишлаб чиқариш участкаларида жорий этилиши туфайли эришдилар.

Ҳар бир йилни зарбдор суръат билан бошлашга одатланган коллектив янги йилда ҳам улкан марраларни кўзламоқда. Корхона ишчилари йилнинг дастлабки кунлариданоқ кенг халқ истеъмол буюмлари, эркаклар костюмлари, мактаб ўқувчилари учун турли форма кийимлар ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, ишлаб чиқаришга янги прогрессив усулларни тадбиқ этиш учун енг шимариб ишга киришдилар. Ҳар бир цех, бригада ва ҳар бир ишчи ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар қабул қилди. Ана шу мажбуриятларга кўра корхонада йиллик план 21 декабрда бажарилиши ва йил охиригача планга қўшимча 1500 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам бирлашма ишчилари янги йилда «Сифат ва самарадорлик беш йиллигига — ишчи кафолати» шиори остида меҳнат қиладилар. Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар эса ўтган йилга нисбатан 11 процентга ортади.

Бирлашма меҳнат аҳли ўртасида беш йиллик шахсий топшириқларини муддатидан илгари адо этиш ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақаси ҳам тобора авж олмоқда. Бу мусобақада пешқадамлик қилаётган бирлашманинг 6 ва 7-цех коллективлари ўнинчи беш йилликнинг уч йиллик топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилинган кунгача адо этиш мажбуриятига имзо чекишди. Бу ибратли ташаббус издошлари эса тобора ортиб боряпти. Жумладан булар қаторига эркаклар костюмларини тикиб тайёрлайдиган 2-цех коллективини киритиш мумкин. Цех ишчилари бир неча йиллардан бери бирлашманинг улкан ютуқларига ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқда. Цехнинг чевар-тикувчиларидан Т. Ёрматова, А. Гузий, Т. Берсенева, Т. Мутних, Ж. Ғаниевалар беш йиллик шахсий план топшириқларини 3,5 йилда бажаришга аҳд қилишган.

Мана бу фотолавҳаларда шу цех илғорларидан баъзилари диққатингизга ҳавола этилаётир. Юқоридаги суратда ёш чевар, комсомол аъзоси Тановар Ёрматовани кўриб турибсиз. Бу ишчан чевар кунлик нормасини мунтазам равишда ортиғи билан адо этади. Пастдаги суратда эса зарбдор чеварлардан Ж. Нурова, М. Алиева, М. Арслонова, М. Сайфутдинова, Б. Аширматова, М. Пўлатова, О. Никонорова ва Н. Тошмуҳамедовалар тасвирланган. Бу чеварлар «Беш йилликни 3,5 йилда бажарамиз» шиори остида меҳнат қилишяпти.

М. КОМИЛЖОНОВ.

М. Нуриддинов фотолари.

● ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

ГАЗНИ ТЕЖАБ — ТЕРГАБ САРФЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ўзининг навбатдаги мажлисида шаҳар хўжалигида газдан тежаб-тергаб фойдаланишни янада яхшилаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда газдан оқилона фойдаланишга қаратилган бир қатор тадбирларга қарамай, шаҳардаги бир қанча корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ёнилғини тежаб-тергаб сарфлашда ҳали ҳам жиддий нуқсонлар мавжудлиги таъкидланади.

Масалан, баъзи бир корхоналарнинг раҳбарлари эскирган агрегатлар ва ускуналарни реконструкция қилиш ҳамда алмаштириш, газ сарфлашнинг техникавий асосланган нормаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш юзасидан ишларни сустлик билан бажармоқдалар. 1977 йилда ўтказилган текширувлар натижасида шаҳар саноат корхоналаридан 65 тасида ортиқча газ сарфлашга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу корхоналар планда белгиланганидан 55 миллион куб метр ортиқча «зангори ёқилғи» сарфлашган. Айниқса, 243-граждан авиацияси заводи — 2,4 миллион куб метр, булка-кондитер комбинати — 2,2 миллион куб метр, ёғ-мой, комбинати — 1,9 миллион куб метр, газни ортиқча сарфлашга йўл қўйган. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шуни таъкидлайдики, корхоналарда газ истеъмол қилинадиган ускуналарга хизмат кўрсатадиган кадрларни техникавий жиҳатдан тайёрлаш даражаси ҳамон пастлигича қолаётганлиги сабабли ёнилғини ортиқча сарфлашга йўл қўйилмоқда.

Шунингдек, маҳаллий иситиш ускуналари билан жиҳозланган кўпчилик уйларда газни ортиқча сарфлашга йўл қўйилмоқда. Бу уйлардаги ускуналар зарур эҳтиёж ҳамда лойиҳа-техника ҳужжатлари ҳисобга олинмаган ҳолда ўрнатилган. «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам ўз ишида бирмунча камчиликларга йўл қўймоқда. Бирлашма ходимлари газлардан фойдаланишда ортиқча сарфга йўл қўяётган истеъмолчиларга нисбатан чоралар кўришда ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдаланмаяптилар. Газ магистралларига ўзбошимчалик билан газдан фойдаланадиган ускуналар ўрнатиш ҳолларига ҳамон чек қўйилгани йўқ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қабул қилган қарорда шаҳар хўжалигида газдан оқилона фойдаланишни янада яхшилашга қаратилган бир қатор аниқ тадбирлар белгиланди.

МУСОБАҚА ШАРОФАТИ

КПСС XXV съезди ўнинчи беш йиллик вазифаларини белгилар экан, халқимиз олдига ҳар бир ишни, ишлаб чиқариш топшириқларини сифатли бажариш, юксак самарадорликка эришишдек масъулиятли вазифаларни қўйди. Шунинг учун ҳам ҳозир ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасада, қурилишда иш сифатига, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга катта аҳамият берилмоқда.

Буни Тошкент шаҳридаги республика «Протезист» саноат бирлашмаси мисолидан ҳам кўриш мумкин. Бирлашма коллективи шу кунларда ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш ниятида социалистик мусобақани қизитиб юборди. Завод ишчи ва хизматчилари ўтган йили кўтаринки руҳ билан меҳнат қилиб, улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Улар маҳсулот реализация қилиш планини ортиғи билан бажардилар. Пландан ташқари 82 минг сўмдан ортиқ маҳсулот реализация қилиниб, йиллик план 104,3 процент, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани эса 103,7 процент адо этилди ва пландан ташқари 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Айтишга осон. Лекин бу рақамларда неча юзлаб фидокор ишчи ва хизматчиларнинг қалб кўри, кўз нури мужассамлашганлигини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Завод ишлаб чиқарган маҳсулотлар буюртмачилар — инвалидларга манзур бўлгунича, ўз эгаларига етиб боргунича неча-неча инженер-конструктор, врач, технолог, ишчи ва хизматчи вақти, меҳнатини сарф этмади дейсиз!

Айниқса заводнинг ўз касбини яхши эгаллаган, меҳнатда пешқадам, илғор ишчиларнинг номини эслаб ўтмасдан бўлмайди. Мисол учун слесарь-протезчи Н. Харламов, Ш. Шоғиёсов, ёғоч протезлари бўйича уста В. Г. Китаев, пойафзалчилар И. И. Уалиев, Б. Б. Вдовин, Э. Файзиев, техник Ҳ. Рисқиев, тикувчи А. П. Салма сингари ўз касбининг моҳир усталарини олиб кўрайлик. Улар ишда ҳам, турмушда ҳам ўз ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.

Ўнинчи беш йиллик планларимизни тўрт йилда бажарамиз деб коллективни ишонтирган ва ҳозирда ўз сўзларининг устидан чиқаётган илғор, ташаббускор ишчилар ҳам шулар. Уларнинг ҳар бири 1977 йил топшириқларини тўртинчи кварталнинг биринчи ярмидаёқ бажариб қўйиб, 1978 йил ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборган эдилар.

Ҳозир завод коллективи янги йил топшириқларини ҳам муддатидан анча олдин бажариш иштиёқида меҳнат қилмоқда.

Бу кўтаринки руҳ фақат завод коллективи ўртасида эмас, балки заводнинг жойлардаги филиалларида ҳам ҳукм сурмоқда. Заводнинг республикамиз областларидаги филиалларида, протезга муҳтож инвалидларни қидириб топиш, уларга сифатли протез-ортопедик пойафзаллар тайёрлаб бериш ва буюртмаларни ўз эгаларига белгиланган муддатда етказиб бериш ишларига катта аҳамият берилмоқда.

Социалистик мусобақа — ютуқлар гарови. Буни яхши тушунган ишчи ва хизматчилар шу кунларда 1978 йилга мўлжалланган социалистик мусобақа шартларини бажариш, шу йўл билан буюртмачиларга сифатли буюмлар етказиб бериш ишқи билан меҳнат қилмоқдалар.

З. УМАРОВА.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

ЮТУҚ ВА НУҚСОНЛАР

СССР янги Конституциясининг бир йиллиги кунигача беш йилликнинг уч йили топшириқларини бажаришга аҳд қилган пойтахт илғор коллективларининг ташаббуси Тошкент трамвай - троллейбус бошқармасининг 1-депо ишчилари томонидан ҳам кенг қўллаб-қувватланади. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Черников номидаги депонинг ўндан ортиқ ҳайдовчиси бу ташаббусга қўшилди. Айниқса, беш йиллик топшириқни уч ярим йилда бажариш мажбуриятини олган Мария Донковцева, Зоя Милдубоева, Вера Авериналар сафи янги-янги меҳнат зарбдорлари билан ортиб бормоқда. Ҳозир Андрей Фидорец, Валентина Поплавская каби ҳайдовчилар улар изидан бориб, уч йиллик планни СССР Конституциясининг бир йиллик кунигача бажариш учун курашмоқдалар.

Вера Аверина йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш учун ўзи бошқараётган трамвайнинг ремонтсиз юришига эришиб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатмоқда. У беш йилликнинг дастлабки икки йилида 12 минг 510 сўм ўрнига 22,3 минг сўмлик транспорт хизмати кўрсатди. Мария Донковцева ҳам шу муддатда 13 минг 147 сўм ўрнига 21 минг 275 сўмлик даромад келтирди. Зоя Милдубоеванинг меҳнат кўрсаткичи ҳам чакки бўлмади. Ташаббускор Зоя икки йилда давлатга топшириқдагидан 5 минг сўм зиёд фойда келтирди.

Шу кунларда депода ташаббускорлар кўпайиб боряпти. Улар йўловчиларга ширинсўз, хушмуомалалик билан хизмат кўрсатмоқдалар.

— Пойтахтимиздаги мавжуд учта депо, — дейди депо бошлиғи Г. Крицин, — ҳозир 28 та маршрутга хизмат кўрсатяпти. Шундан 12 та маршрутдаги трамвайлар бизнинг деподан чиқади. Йил давомида 54 миллион йўловчини ташиш кўзда тутилган.

Ўтган йил пойтахт аҳолисига трамвай хизматини янада яхшилаш учун қатор тадбирлар амалга оширилди. Янги трамвай маршрутидаги вагонлар Рисовой бозоридан Жарқўрғон кўчасигача борадиган бўлди. Йўловчилар шикоятини инобатга олиб, кўплаб маршрутларда ишни икки сменада ташкил этиш мўлжалланяпти. Бунинг учун кадрларни ўқитиш, юқори малакали ҳайдовчилар тайёрлаш ва уларнинг тажрибасини оммалаштиришга эътибор бериляпти. «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остидаги ташаббус 5, 6 26- ва бошқа маршрутларда кенг қўлланилмоқда.

Лекин депода ҳамма иш бир маромда кетяпти, деб бўлмайди. График бўйича деподан ҳар куни пойтахт аҳолисига хизмат кўрсатиш учун 124 та трамвай чиқиши, дам олиш кунлари эса 100 та трамвай линияда қатнаши керак. Бу трамвайлар билан кунига 150 минг йўловчи ташилиши кўзда тутилган. Аммо 124 ўрнига ҳар куни 110—112 та вагон маршрутга чиқарилмоқда. Бу эса йўловчиларнинг жиддий эътирозига сабаб бўляпти.

— Бизга 80 ҳайдовчи етишмаяпти, — дейди Г. Крицин, — шу сабабли графикда белгиланган даражада вагонлар маршрутга чиқмаяпти.

Депо раҳбарлари ҳайдовчи штатлари тўла бўлиши учун кўраётган тадбирлар амалда натижа бермаётир. Раҳбарлар бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари зарур. Йўловчи ишга кетаётганда, қайтаётганда трамвайда осилиб кетиш ёки тиқилиб кетиш ўрнига бемалол юришни орзу қилади. Аммо, транспорт хизматини янада яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар кўнгилдагидек эмас.

Депо адресига келаётган шикоят хатларининг бирида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер (Гайдар проездидаги 14-корпус, 3-квартирасида истиқомат қилувчи) Г. С. Муравцов паркдан маршрутга чиқаётган ёки паркка қайтаётган трамвайлар бекатда турган йўловчиларни нега олиб кетмайди, деб ёзган бўлса, бошқа бир йўловчи трамвайларнинг эшиклари тўлиқ очилмайди, кўпларининг ўриндиқлари фойдаланишга яроқсиз деб шикоят қилган.

Булар ҳақли эътирозлардир. Ҳақиқатан ҳам 1072, 1110, 3006- ва бошқа вагонларда ўтиргичлар жуда эскириб қолган. Ҳатто бир-иккита, баъзиларида учтагача ўриндиқ етишмайди. Бунинг устига уларнинг баъзиларининг увадаси чиқиб кетган. Эшиклар эса қаровсиз аҳволда.

Тошкент трамвай-троллейбус бошқармаси, 1-депо раҳбарлари қиш мавсумида аҳолига трамвай хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, ҳамма трамвайларда иссиқлик бўлишини таъминлаш учун ички резервларнинг барчасини ишга солишлари керак.

И. РУСТАМОВ.

БОШЛАНИШИ ЯХШИ

Тошкент тепловоз депосининг машинисти колонна партия ташкилотининг секретари М. С. Самгин янги йилнинг биринчи куни белгиланган пунктга оғир вазнли поездни ҳайдаб борди. У 205 тонна юкни нормага қўшимча равишда етказиб берди. Пешқадам машинист сафар вақтида 107 килограмм дизель ёқилғисини тежаб қолишга муваффақ бўлди.

Илғор машинист СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг йиллигигача беш йилликнинг уч йили топшириғини бажариш мажбуриятини олди. Деподаги юздан ортиқроқ локомотив бригадаси ҳам Самгин сингари юксак мажбуриятларни олишди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

САМАРАДОРЛИК ЙЎЛИ

Хоразмдаги Дўстлик ва Халқ шаҳарлари кардиология тез ёрдами кабинетлари ишлай бошлади. Бу кабинетлар ихтисослаштирилган медицина хизматлари кенг шохобчаларини тўлдиради, улар эндиликда областдаги шаҳар ва қишлоқ касалхоналарини кенг қамраб олади. Ҳозир Хонқа, Шово, Гурлан ва бошқа районлардаги даволаш муассасаларида ихтисослаштирилган бўлимлар барпо этилмоқда.

«ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК ТИЛИ»

Ромитан районидаги мактабларда рус тилини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Конференцияни ўтказишда район халқ маорифи бўлими ва Бухоро давлат педагогика институти билан биргаликда район партия комитети, жамоат ташкилотлари фаол иштирок этдилар. Дўстлик ва қардошлик тилини ўқитиш ҳамда ўрганишни яхшилашнинг конкрет йўллари белгилаб чиқилди.

ИЛМИЙ АСАРЛАР ТЎПЛАМИ

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтида тайёрланган илмий асарлар тўплами техника олий ўқув юртларида умумий таълим дарсларини ўқитиш методикасини такомиллаштириш проблемаларига бағишланган. Тўпламда ўқув жараёни самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар натижалари умумлаштирилади.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

ВАРШАВА. Польшанинг дастлабки 22 та саноат корхонаси ҳамкорлик тўғрисида ижодий ташкилотлар ва маданият муассасалари билан шартнома тузганига тўрт йил бўлди. Ишлаб чиқариш коллективларининг маданий ҳаётини бойитиш, уларнинг санъатга иштиёқини кучайтириш мақсадида шундай шартномалар тузилган эди. Ҳамкорликнинг перспектив планлари 1980 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Профессионал актёрлар ҳаваскорлар коллективларига ёрдам бермоқдалар. Бундай коллективларнинг сони мамлакатда 27 мингтага етди. 600 мингдан ортиқ киши зўр иштиёқ билан бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида қатнашмоқда. Бир қанча халқ театрлари пайдо бўлди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ

СОФИЯ. Болгария пойтахти янги 1978 йилни шод-хуррамлик билан кутиб олди. Шаҳардаги кўпгина корхоналарнинг коллективлари Венгриядаги «Красний чепель» корхонасининг ташаббусига биринчилар қаторида қўшилиб, Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашдилар. юбилей йили планларини бажаришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Мана шу байрам олди кунларида «Электроника» ҳисоблаш техникаси заводи. 8-Март номли тўқимачилик комбинати коллективлари айниқса юксак натижаларга эришди. Мамлакат пландан ташқари 1 миллион левлик маҳсулот олди.

Янги йил Будапешт кўчаларига файз олиб кирди.
СУРАТДА: шаҳар кўчаларидаги Қорбоболар.

МТИ — ТАСС фотоси.

ЧОЙ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

ДЕҲЛИ. Шу қишлоқ хўжалик мавсумида Ҳиндистонда чой барги йиғиб-териб олишни 560 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда. «Экономик таймс» газетасининг ёзишича, ўтган йилги ҳосилдорлик қарийб 9 процент оширилади.

Ҳозирги Ҳиндистон дунёда энг кўп чой етиштирувчи ва жаҳон бозорига жуда кўп чой етказиб берувчи мамлакатдир. Ҳиндистон чойи ўнлаб чет мамлакатларга, шу жумладан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларига чиқарилмоқда. Мамлакатнинг ўзида ҳам бу маҳсулотни истеъмол қилиш ортиб бормоқда.

Ҳиндистон экономистлари чой саноатини ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини ишлаб чиқдилар. Бу программа 25 йилга мўлжалланган бўлиб, бунда шу муддат охирига бориб мамлакатда чой барги йиғиштириб олишни 1 миллион тоннага қадар кўпайтириш кўзда тутилади.

ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАР

БОНН. «Ост-вест-коммерц» журнали қуйидагиларни ёзади: ГФР билан Европадаги социалистик мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар кескинлик юмшашиб бораётган бир шароитда муваффақиятли ривожланмоқда. Журналнинг фикрича, бу алоқалар янги йилда ҳам янада ривожланади. «Ост-вест-коммерц» журнали олий даражадаги учрашувнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди ва шу муносабат билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг тез орада ГФРга визит билан келиши тўғрисида ёзади.

«Икки томонлама учрашувлар ва олий даражадаги музокаралар, — деб таъкидлайди журнал. — ГФР билан ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда нормал ҳолатга келишига кўп жиҳатдан ёрдам берди».

Журнал «Дрезднер банк» правлениесининг аъзоси Г. И. Шрайбер билан суҳбатни босиб чиқарди. У ҳам 1978 йилда ГФРнинг социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлиги истиқболларига умидворлик билан баҳо беради.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Р. ЭГАМБЕРДИЕВ: Ишчи ёки хизматчи касал бўлиб қолган тақдирда унга қанча вақт нафақа тўланади? Шу ҳақда қисқача маълумот берсангиз.

Жавоб: Беморнинг даволаниши учун зарур бўлган вақтнинг ҳаммаси учун нафақа тўланади. Ходимнинг меҳнат қобилияти тиклангунча ёки бемор ВТЭК қарори билан инвалидликка чиққунча унга нафақа берилади. Шуни айтиш керакки, ишлаётган инвалид меҳнат процессида бахтсизликка учраб ёки касбий касаллик сабабли меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотган бўлса, нафақаси соғайгунча ёки янги касаллик учун инвалидликнинг бошқа группасига кўчирилгунча берилади.

* * *

Б. РУСТАМОВ: Уйда чироқ ўчиб қолган ҳолларда қайси телефонлар орқали бу ҳақда тегишли жойларга мурожаат қилса бўлади?

Жавоб: Шаҳримиздаги районларда электр тармоқлари корхоналари бўлиб, бу корхоналарнинг хизматчилари ана шундай юмушлар билан шуғулланишади. Агар чироқ ўчиб қолса ёки электр линияларида қандайдир шикастланишлар рўй берса, бундай ҳолларда қуйидаги жойларга мурожаат қилиш мумкин. Жумладан, Куйбишев ва Киров районларининг аҳолиси Шимолий район электр тармоқлари корхонасига — Муса Жалил кўчаси, 73-«а» уй, 66-07-81, 66-03-01 телефонлари орқали; Чилонзор, Акмал Икромов, Фрунзе ва Сергели районларининг аҳолиси эса Жанубий район электр тармоқлари корхонасига — Чилонзор массиви, 3-квартал, 23-«а» уй, 77-24-52, 77-19-72 рақамли телефонлари орқали; Ҳамза ва Ленин районларининг аҳолиси — Шарқий электр тармоқлари корхонасига 1-Ашрафий проезди, 7-уй, 91-23-21, 91-08-67 рақамли телефонлари орқали; Собир Раҳимов ва Октябрь районларининг аҳолиси эса Ғарбий район электр тармоқлари корхонасига— Матлубот проезди, 53-уй, 46-04-90, 46-05-31 рақамли телефонлари орқали мурожаат қилишлари мумкин. Бу электр тармоқлари корхонасидаги навбатчи хизматчилар чироқни ёқиб бериш ва линиялардаги нуқсонларни тузатиб бериш бўйича барча тадбирларни зудлик билан амалга оширишади.

* * *

А. ОТАБОЕВ: Ўғлимнинг велосипеди бор эди. У синиб қолди. Шаҳримизда бундай велосипедларни қаерда ремонт қилдириш мумкин?

Жавоб: Шаҳримиздаги ҳар бир бозорда «Металлобитремонт» комбинатининг қабул пунктлари бор. Ана шу пунктдаги усталар жуда қисқа муддат ичида велосипедларни ва бошқа электр приборларни ремонтдан чиқариб беришади. Бундан ташқари улар сизнинг буюртмангиз бўйича турли-туман уй-рўзғорда ишлатиладиган буюмларни ҳам тайёрлашади.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

В. Попков эрталаб соат ўнларда МАЗ—504 маркали 94—80 ТНГ автомобилини Иззат кўчасидан ҳайдаб кетаётган эди. Кутилмаганда автомобилнинг чап томонидан югуриб келаётган қизчага кўзи тушиб қолди. Ҳайдовчи уни босиб кетишдан сақланиш мақсадида тормозни шартта босди ва рулни буриб юборди. Лекин Тошкентдаги 151-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Лариса Магазнинг автомобилнинг ўнг томон ёнига келиб урилди ва асфальтга йиқилди.

Эҳтиётсизлик, кўча ҳаракати қоидасига риоя қилмаслик ҳали балоғатга етмаган қизчанинг касалхонага тушиб қолишига сабаб бўлди.

• Билиб қўйган яхши

БАДАН ТАРБИЯСИ ҲАҚИДА

Инсоннинг куч ва қобилиятлари жисмоний, ақлий ва ахлоқий номи билан учга бўлинади. Шунга қараб, инсоннинг мана шу куч қобилиятларининг тараққийси, юксалишини таъмин этишга мажбур бўлган тарбия ҳам уч қисмга ажралади: бадан тарбияси, ақл тарбияси, ахлоқ тарбияси.

Бадан тарбияси катта аҳамиятга эгадир. Биринчидан, ҳаётда ҳар кимнинг мукаммал соғ-саломатликка, куч-қувватли бир баданга эга бўлиш эҳтиёжи бордир. Иккинчидан, бадан соғлиги фикр ва ахлоқнинг ҳам соғлигини таъмин этади. Қувватли бир баданнинг фикр ва ахлоқ узра таъсири ошкордир. Фикр ва ахлоқ билан мижоз ва соғломлик орасида кучли бир боғланиш бордир.

Ҳаётда энг буюк саодат қувватли бир вужудга эга бўлишдир. Бу саодатга қандай ета оламиз? Мана буни англаш, ҳаётнинг соғлиққа тегишли шартларини ўрганиш ва уни амалга ошириш — бадан тарбиясининг мавзуларини ташкил этади. Шунга кўра, бадан тарбияси билан соғлиқни сақлаш орасида кучли бир муносабат бордир.

Бадан тарбиясининг ғояси — бутун бадан аъзоларининг ўз вазифаларини гўзал ҳолда бажаришларини таъмин этишдир. Аъзомиздан баъзисини қувватлантириб, баъзисини эса қувватсиз ҳолда қолдириш мақсадни таъмин этишга кифоя этмайди. Бадан аъзоларининг турли ҳаракатларидан иборат бўлган гимнастика усуллари, от миниш, сувда сузиш, тўп, футбол ўйинлари каби турли машқлар бадан тарбияси учун лозимдир.

Бадан тарбиясида, хусусан болалар учун энг яхши восита ўйиндир. Ўйинлар фақат кўнгил очиш учун эркин равишда ижро этилган ҳаракатлардир. Бу эса гимнастиканинг энг фойдали қисмидир. Ўйинда бадан ҳаракатларининг ҳар хили такрор этиб туради ва бундан бутун бадан аъзолари фойдаланади. Ўйин фикрнинг уйғонишига хизмат этади. Ўйинларнинг фойда еткизишлари учун буларнинг тарбияли бўлишлари лозимдир. Соғлиққа хилоф бўлган ўйинлар фойда эмас, зарар еткизадилар.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

• Оналар, Сизлар учун

СЎРҒИЧ ФОЙДАЛИМИ?

Ҳурматли редакция! Менинг ўғлим сўрғичга ўрганиб қолган, унинг зарарли томони борми? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

С. ИЗЗАТУЛЛАЕВА,
уй бекаси.

Сўрғич чақалоқларнинг севимли овунчоғидир. Қайси чақалоқни кўрманг, уларнинг оғизларига сўрғич солиб қўйилса, астойдил унга дил боғлаб, мароқ билан сўришини кўрасиз! Афсуски, сўрғич чақалоқларни қанчалик овутмасин ва оналарни ортиқча заҳматдан қутқармасин, унинг ёмон томонлари ҳам йўқ эмас.

Яқинда бир чақалоқни шошилинч равишда касалхонага олиб келдилар. Чақалоқ сўрғич сўриб ётганда, сўрғичнинг резинка қисми ажралиб кетиб, боланинг томоғига кетиб қолган экан. Бола бўғилиб ўлай деб қолибди. Яхшиямки боланинг уйи касалхонанинг ёнида экан, тез етказиб келиниши туфайли уни ўлимдан сақлаб қолишга муваффақ бўлинди.

Сўрғичнинг бошқа ёмон томонлари ҳам бор. Агар сўрғич бола либосига илиб қўйилмаса ёки бўйнига илиб қўйилмаса ерга тушади, чанг-тупроққа беланади. Оналар бундан бехабар қолсалар, бола уни олиб яна сўраверади. Бундан ташқари, болага шундай сўрғич танлаш лозимки, агар у сўрғични ютиб юбормоқчи бўлган тақдирда ҳам ютолмасин. Масалан, кичкина чақалоққа катта сўрғич бериш мумкин.

Сўрғичнинг доимо озода ва покиза бўлишига диққат қилиш лозим. Бунинг учун уни ҳар куни неча марта совун билан ювиш, совуннинг асари қолмаслиги учун эса совуқ сув билан яна бир неча бор ювиб юбориш лозим. Ифлос сўрғич болада ич кетиш иллатини туғдириши ёки ҳазм қилиш ишини издан чиқариши мумкин.

Сўрғични боланинг хоҳишига қараб бериш керак. Баъзи болалар резинадан қилинган сўрғични кўрганларида қайт қилиб юборадилар. Агар унга зўрлаб бериллаверса, экзема пайдо қилади.

Чақалоқ сўрғични эммай турган вақтларда уни озода жойга қўйиш керак. Уни стол устига, токчаларга, дераза ичларига ёки кўринган жойларга ташлаб қўйиш ёмон оқибатларга олиб келади.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

200 томли «Жаҳон адабиёти кутубхонаси» нашр этиб бўлинди. Бу кутубхонанинг сўнгги китоби янги йил арафасида магазинларга жўнатилди, деб маълум қилишди ТАСС мухбирига СССР Министрлар Совети нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитетида.

Янги йил нашрлари орасида катта совет энциклопедиясининг 24-томи ҳам бор. Бу том батамом Совет Социалистик Республикалари Иттифоқига бағишланган.

Бадиий адабиёт мухлислари янги йил арафасида И. Гончаров, Литва шоири Э. Межелайтис асарларининг биринчи томларини олдилар.

Кичкинтой китобхонлар ҳам унутилгани йўқ. Улар «Болаларга Владимир Ильич Ленин тўғрисида» шеърлар ва ҳикоялар тўплами билан, революционер-шоир К. Рилеевнинг танланган шеърлари билан ва бошқа кўпгина китоблар билан танишадилар.

ОИЛА
ДАВРАСИДА
СУҲБАТЛАР

Харьковнинг янги Павлово поле янги турар жой районида истиқомат қилувчи кичкинтойлар янги йил арафасида яхши совға олишди. «Эртак» деб номланган янги болалар кафеси ишга тушди. Уларга таклиф этиладиган таомлар ҳам қизиқ номланади. «Синьор помидор» салати, «Қизил қуёш» блинчиклари ёки «Карабас-Барабас» деб номланувчи шўрвалар шулар жумласидандир. Шу ердаги контейль-барда турли шарбатлар, мороженоелар сотилади.

СУРАТДА: Татьяна Акуленко кичкинтой хўрандаларга хизмат кўрсатмоқда.

ЗЕБОЛИК ҚОИДАЛАРИ

ТРАМВАЙ—ТРОЛЛЕЙБУС, АВТОБУС ВА МЕТРОДА ЮРГАНДА...

Бекатда навбат тартибини сақлаш, транспорт салонининг орқа эшигидан чиқиш, огоҳ ва танбеҳ эшитмасдан билет олиш, бошқа йўловчиларни итариб-туртмаслик, мабодо шундай ҳол юз берса дарҳол узр сўраш, болали ва ҳомиладор аёлларга, қария ва инвалидларга назокат билан жой бўшатиш, қўлида юки бўлса жойлаштиришга кўмаклашиш ва бошқа қоидалар борки, буни ҳамма билади. Лекин билиб туриб амал қилмайдиганлар ҳам бор.

Ҳар қадамда пешанага ёзиб қўйилган қоидаларга амал қилиб ўз бурчини бажармайдиганлар худбин, одобсиз, эҳтироси паст, ички маданиятдан ҳолис тоифадаги шахслар қаторига қўшилиб қолишларини билишармикин?

Кузатишларга кўра, оддий, — бажарилиши мутлақо шарт бўлган қоидаларни бузувчилар орасида ёлғиз ёшларгина эмас, кап-катта, дуппа-дуруст кишилар ҳам учраб туради. Айтайлик трамвай ёки автобус таққа тўхтамасдан туриб чиқиш ва юриб кетаётганда тушиш қатъиян ман қилинади. Сабаби аниқ —тартиб бузувчининг ҳаёти ҳисобига ҳалокат рўй бериши мумкин. Шуни билиб туриб амал қилинмаса, кимларгадир бахтсизлик келиб, кимларгадир бефойда ташвиш ортади-ку! Ана шунинг учун, барчага маълум, бироқ билиб туриб адо этилмайдиган майда-чуйда бурчлар тўғрисида мулоҳаза юритишни лозим топдик.

Бу фақат ёшларгагина эмас, қарияларга ҳам тааллуқли. Чунончи сизнинг транспорт ўриндиғида ўтириб кетишга ҳаққингиз бор, лекин сизга жой бўшатмасалар «Ҳамма ёшлар одобсиз», деб жузъий нарсадан умумий хулоса чиқармаслигингиз жоиздирки, бунда ҳар хил ситуация рўй берган бўлиши мумкин. Масалан: бундай: Зет исмли ёш йигит заводдан кечасиги сменадан чиқиб уйига жўнаётиб автобусда мудраб қолади. Икс исмли қария эса унга қарата кесатиқ қилиб тартибга чақиради, ортиқча насиҳатгўйлик қилади, беодоб деб атайди ва пировардида «барча ёшлар шунга ўхшаган» деб хулоса чиқаради. Мана шуни мутлақо тўғри деб бўлмайди. Зет Икс айтганчалик одобсиз эмас, аслида у кечаси билан ишлаб кўпчилик учун нозу-неъмат яратишда иштирок этди, одобли. Мудраб қолган бўлса, бу физиологик фаолият. Шу муноҳашанинг гувоҳи бўлганлар Зетни эмас, Иксни ўзини одобсиз деб ўйлашлари ҳам мумкин. «Ақл ёшда эмас, бошда». Бинобарин, транспорт воситаларидан фойдаланаётганимизда уқув билан иш тутишлигимиз ҳам қоида.

Трамвай, троллейбус, автобус ва метро-поезд салонларига киришда аёлларга, қарияларга, инвалидларга биринчи бўлиб чиқиб олишлари учун йўл бўшатиш зарур, ҳеч кимга тунд башара билан қарамаслик, нохос туртиб юборганларга заҳарханда сўзларни айтмаслик ҳам одобдан.

Шундай ҳам бўладики, икки таниш, ё эр-хотин, ё ота-бола— булар учун автобус, троллейбус ва ҳоказо ўриндиғида ёнма-ён қарама-қарши ўтириб суҳбатлашиб кетиш қулай. Шуни сезиб қолдингизми, иложи борича кўмаклашсангиз, эвазига миннатдорчилик билан рағбатланасиз.

Борди-ю, сизга бўшатилган жойга бошқа одам ўтириб олди— рақобатлашманг.

Шаҳар транспортида юрганда ён-веридагилар, танишлар билан суҳбатлашиб кетиш яхши. Бироқ овозни баралла қўйиб, «шақиллаб» гаплашиб кетиш ўзгаларнинг ғашига тегади. Шундай шахслар ҳам учрайдики, автобус, трамвайда ўтириб олиб бошқа йўловчилар эшитиши мутлақо зарур бўлмаган гапларни валдираб кетадилар: ўз сирини ўзи очувчилар, дангиллама иморат солгани борми, беш юз кишига ош тортгани борми, ҳаммасини ҳаммага эшиттириб гаплашади. Ўзининг кимлигини билдиргиси келади. Ҳулли шу ҳол ҳам одобдан эмас.

Транспорт салонларида инвалидлар, қариялар ва болалар учун махсус ўриндиқлар ажратилиб этикетка ёзиб қўйилган бўлади. Шу жойлар бўш бўлса ҳам эгаси чиққанда безовта бўлмай десангиз ўтирмай кетаверинг. Болаларга келганда шуни айтиш кераки, махсус ўриндиқлар норасида гўдаклар ва мактаб ёшигача бўлган болаларгагина мўлжалланган. 10—15 ёшдаги болалар сурлик қилиб ўтириб олишса, турғизишга ҳаққингиз бор.

Махсус ўриндиқларга йиқилиб тушиши эҳтимоли бор, одамлар орасида қисилиб қолиши мумкин бўлган бола-чақалоқлар, ҳомилали хотинлар, кексалар ва ногиронлар марҳамат қилиб ўтқазилади.

Ёш болани қучоғида ўтқазиб кетаётган йўловчи жуда ҳушёр бўлиши зарур, чунки бола оёғини ликиллатиб қарама-қарши ўриндиқда ўтирган кишининг либосини кир қилиши мумкин.

Кўпинча бир группа ёшлар (ўқувчилар, студентлар) шаҳар транспортига чиқиб олиб «валақ-валақ» гаплашиб «хохоҳ-хохоҳ» кулиб кетишади. Англаш жоиздирки, булар бошқа йўловчиларнинг жиғига тегиб, ғашини келтиришади, бу хато.

Яна бир қоида: шаҳар транспортига бадмаст чиқиб қолса, унга ўрин бўшатмаслик керак, ҳамма юз ўгириши зарур.

Ёш йўловчилар ҳар доим қарияларга, аёлларга ва инвалидларга жой бўшатишдан ташқари яна йўл бўшатишлари зарур, тушаётганларида остонадан тасодифан қоқилиб кетгудек бўлишса, ёрдамга шай бўлиб туришлари ҳурматлашдир.

Асосий қоидалардан яна битта муҳими трамвай, троллейбус, автобус ва метрога тушдингизми, дарҳол билет олинг ва уни то манзилга етгунча эҳтиёт қилинг. Кўпчилик балки буни билмаса, керак, ўша билет фақат кира ҳақигина эмас, балки транспорт ташкилоти билан йўловчи ўртасидаги алоқадорликни ифодалайдиган ҳужжат ҳамдир.

Карим МАҲМУДОВ.

Мустай **КАРИМ**

БОЛАЛИК КУНЛАРИМ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

[ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонида].

Икки-уч бола дарҳол бу гапни қўллаб-қувватлашди.

— Тўппа-тўғри. Энг баланд уй сизларники!— Ҳатто болалардан бири шапкасини осмонга отди.

«Онабоши»нинг юзи ёришди. Ҳатто қизғиш сариқ сочларида нур жилоланиб кетгандек бўлди. Шунга қарамай ўзининг қувончини яширишга уринди. Босиқлик билан гап қотди.

— Ҳамма гап шунда. Ким яхшилаб қараса ўша кўради қайси уй энг баландлигини. Баланд нарсани пастдан ажратишни ўрганиш керак. —У тишлари орасидан туфурди. Шайхаттор томонга эса қайрилиб ҳам қарамади.

Биз Шагидулланинг уйи томонга бурилдик. Унинг отаси Кашфулла-оғайнинг уйи шундоққина кўчанинг нариги бетида бир ёкқа тоб ташлаб ерга кириб кетгудек бўлиб турибди. Деразаларнинг бир кўзига ойна ўрнига ёстиқ тиқиштириб қўйилган. Томдан чиқиб турган дудбурон ҳам унчалик баланд эмас. Лекин тутун чиндан ҳам тиккасига баланд кўтарилапти.

Биз бўлсак шуни билолмай боядан буён бош қотириб ўтирибмиз. Уни қаранг-а! Шундоқ ақлли жавоб берадиган одам бор экан-у, биз ўзимизни қийнаб ётган эканмиз. Шундан кейин болалар ўзларини анча енгил сезиша бошлади.

Нима бўлганда ҳам менинг кўнглимда қандайдир нохуш шубҳа қолди. Тўғрисини айтганда Шагидулланинг уйи энг баланд уйми? Балки бу саволга кейинроқ, катта бўлганимда жавоб топарман. Балки бу жавоб шундай бўлар: кимнинг мушти қаттиқроқ бўлса ўшанинг уйи ҳам баланд...

Мачит минорасида томонидан муаззиннинг азон айтгани эшитилди. Руҳимга яна байрам кайфияти ёпирилиб келди. Бугун ер юзида мўътабар кун. Бугун ҳамма уйлар ҳам баланд. Ҳамма уйлар баравар. Ҳамма одамлар баравар. Яқингина жойда, шундоққина яшил тоғ ортида қўйлар билан бўрилар бирга ўтлаб юрибди. Уларни кичкинагина чўпон бола боқяпти. Чўпон бола оёғига калиш, бошига бахмал дўппи, эгнига қайтарма ёқали кўк кўйлак, қизил иштон кийиб олган. Гоҳ қўзичоқ келиб унинг қўлини ялаб эркаланади, гоҳ бўри эркаланади.

Ғалати одатим бор. Бир хаёл суриб кетсам ҳамма нарсани унутиб юбораман. Мана ҳозир ҳам шундай бўлди. Бир вақт кимдир биқинимга туртганини пайқадим. Чўчиб ўгирилиб қарадим. Ёнимда Ибрай илжайиб турарди.

— Эшитдингми, Хамитьян сени нима деяпти.— У кўзларини сузиб бошини ликиллатди. — Уят-э!

— Йўқ, эшитмадим, — дедим ҳушёр тортиб.

— Нуқул сени «Киндик» дейди.

Мен ғазабдан ёниб кетдим. Хамитьян бодрингга ўхшаш узун бошини ликиллатди.

— Айтганим йўқ. Худо урсин айтганим йўқ!

Ибрай бўлса энди унинг олдига бориб пичирлади.

— Кўряпсанми анови сени нима деяпти? Лаблари пичирлаб турибдику. Нуқул «Бодрингбош», «Бодрингбош» деяпти.

Мен йиғлагудек бўлиб қичқирдим.

— Нон урсин агар, айтганим йўқ. Хамитьян етимча-ку! Етим болаларни ҳайит куни ҳафа қилиш гуноҳ.

— Бор байрамингни пишириб е! Кўряпсанми, сенга қараб нуқул «Киндик» деб пичирлаяпти. Бошини ликиллатишини кўряпсанми?

Чиндан ҳам Хамитьян бошини ликиллатиб пичирлаётганга ўхшади. Йўқ, бу бежиз эмас. Кесакдан ўт чиқиб мени масхара қилаётган бўлмасин. Балки мана шу бодринг каллада ёмон хаёллар бордир. Мен шуни ўйладим-у аламдан нафасим қайтиб кетгандек бўлди. Чамаси Хамитьян лақабимни қайта-қайта пичирлаб айтаётгандай, ҳозир овозининг борича айтиб юборадигандай эди. Мен тилимнинг учида турган гапни ҳар қанча қайтараман десам ҳам бўлмади. Худди япроққа илиниб турган шудрингдек ўзидан-ўзи тўкилиб туша қолди.

— Нега ҳадеб бошингни ликиллатасан, Бодрингбош!

— Менга гапиргандан кўра киндигингни эплаб ол, Киндик!

Нима бўлганда ҳам бундай гапни кутмаган эдим.

— Тағин бошингни бодрингдек узиб олмай, — дедим хезланиб.

— Киндигингга бир боссам қорнинг ёрилиб кетади.

— Мени қўрқитмоқчимисан Бодрингбош?

— Сендан қўрқаманми? Киндик!

— Бодрингбош! Бодрингбош!

— Киндик! Киндик!

Болалар атрофимизни секин-секин ўраб «жанг учун жой ҳозирлашди».

— Қани, бошла! Бирингга арпа, бирингга буғдой, гиж-бадабанг! Ибрай иккаламизни гижгижлай бошлади.

Энди бизни гиж-гижлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Муштлар тугилган, тишлар ғижирлаган...

Мен Хамитьянга биринчи бўлиб ташландим. У ўзини чеккага олди-да қорнимга тепди. Мен оғриқдан икки букилиб қолдим. Лекин шу ондаёқ нафасимни ростлаб олиб унинг бурнига мушт туширдим. Хамитьяннинг бурни қонаб кетди. Қонни кўришим билан эсанкираб қолдим. Хамитьян бўлса бутунлай қутуриб кетди.

— Қонга қон! — Шундай деди-ю кўйлагимни ёқасига ёпишди. Мен ўзимни орқага ташлаган эдим, кўк кўйлагимнинг бир парчаси унинг қўлида қолди. Дунё кўзимга қоронғи кўриниб кетди. Бир-биримизни юз-кўзимизга аёвсиз мушт тушира бошладик. Мен оғриқни ҳам, ғазабни ҳам ҳис қилмасдим. Жанг шиддати бутун вужудимни эгаллаб олган эди. Атрофимизни ўраб олган болалар эса қоққан қозиқдек қимирламай туришарди.

Фақат Ибрай атрофимизда гир айланиб қичқирарди.

— Қани, бўш келма, жағига тушир!

Унинг товуши олисдан эшитилаётгандек бўлар эди. Шу пайт Хамитьян кучи борича кўзимга мушт туширди. Ўшанда саккиз ёшимда биринчи марта кўзидан ўт чақнаб кетди деган гапнинг маъносини тушундим. (Кейинчалик ҳаёт кўп марта «кўзимдан ўт чақнатди») Чиндан ҳам аввал кўзимдан ўт чиқиб кетгандек бўлди. Кейин эса ҳаммаёқни қоронғилик босди. Мен ўзимни ўнглаб Хамитьяннинг қулоғини чангаллаб олдим. У орқага силтанмади. Аксинча менга яқин келди-да ғазаб билан бодрингга ўхшаш боши билан жағимга калла қўйди.

Шундан кейин яна қанча олишганимизни билмайман. Чамаси яна узоқ уришдик. Охири мен кучдан толдим. Хамитьяннинг ёши ҳам катта, ўзи ҳам бақувват эди. У менинг ҳолдан тойганимни пайқаб белимдан ушлаганча қийшайтириб туриб қовурғам билан ерга урди. Курагимга аллақандай ўткир, қаттиқ нарса ботганини ҳис қилдим. Чамаси тошга йиқилдим шекилли. Мен нафас ололмай қолдим. Кутуриб кетган Хамитьян кўкрагимга тиззаси билан урди. Оғзимдан аллақандай илиқ бир нарса отилиб чиқиб юзимга оқа бошлади. Мен қандайдир зулмат қўйнига чўкиб бораётганимни сезиб турардим. «Ёрдам беринг, бизни ажратиб қўйинглар» деб қичқиргим келарди-ю овозим чиқмасди. Бақиришга кучим ҳам қолмаганди. Атрофимизни ўраб олган болалар эса ҳам қоққан қозиқдек қимирламай туришарди. Фақат кўзлари ялтирайди. Йўқ, бу кўз ҳам эмас, шунчаки ялтироқ бир тош холос.

Орадан қирқ тўрт йил ўтгандан кейин ҳаётимда худди шунга ўхшаш ҳолат яна юз берди. Кимдир мени тагига босиб тупроққа қориштиргандек бўлди. Менинг ўзимни, менинг муҳаббатимни, менинг маслагимни оёқ ости қилди. Кўксимдан босиб оғзимдан қонимни келтирди. Бу пайтда ҳам атрофимни одамлар ўраб олишган эди. Болалик чоғимдаги рақибимни ўзим гиж-гижлаган бўлсам, атрофимизни ўраб олган болалар шунчаки ёш болалар бўлса, кейинги жангдаги рақибим чинакам душман эди. Атрофимдаги одамлар ҳам энди ёш болалар эмасди. Улар, эс-ҳушини таниб олган мана шу одамлар мени ҳимоя қилди дейсизми? Йўқ, улар миқ этишмади. Ҳолбуки, улар мени ҳурмат қилишарди. Ҳатто биттаси мени яхши кўрарди ҳам. Нима, қўрқишдими? Балки улар «бизнинг бошимизга» тушган савдоларни бу ҳам тортиб кўрсин» деб атайлаб жим туришгандир? Ким билсин балки улар ҳам ўзича ҳақлидир?

Болалик пайтимдаги ўша жангда эса менга бир нарса алам қилган эди. Авваллари биров билан уришсак катталар ажратиб қўйишарди. Ҳозир-чи! Нега ҳеч ким инламайди? Нега биронтаси устимга миниб ўтиргач Хамитьянни ажратиб қўймайди?

Кўз ўнгимда ҳамма нарса чирпирак бўлиб айлана бошлади. Ер ҳам, осмон ҳам. Ана шу айланиб турган мавжудотнинг қоқ ўртасида Катта Ойим турарди. Ниҳоят чирпирак бўлиб айланаётган нарсалар тўхтади. Аммо ўзим энди қаёққадир учиб бораётгандай, қаёққадир сузиб кетаётгандайман. Юзимга қандайдир илиқ нарса тегди. Мен Катта Ойимнинг қўлларини пайқадим.

Йиллар ўтади. Бутун умрим мобайнида мана шу мулойим қўллар мени ҳамиша асрайди, ҳамиша ҳимоя қилади. Бошимга катта-кичик савдолар тушганида мен ҳар доим мана шу садоқатли қўллар паноҳидан ҳимоя топаман. Балки сўнгги нафасимни олаётганимда ҳам, ёруғ дунё билан видолашаётганимда ҳам худди мана шу қўлларни марҳум Катта Ойимнинг илиқ қўлларини ҳис этиб турсам ажаб эмас. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Чуқур сукут чўкди. Мен мана шу ғалати сукунат қўйнида гоҳ сузиб, гоҳ учиб бораяпман. Қуёш нурлари киприкларим орасига сизиб кириб уйғотмоқчи бўлаётгандек. Кўзимни ғира-шира очиб, аввал кўм-кўк осмонни, кейин Катта Ойимнинг ғамнок чеҳрасини кўрдим. У мени қўлида кўтариб борарди. Чамаси уйга олиб кетарди.

Мени уйнинг кўча томонига қараган хонасига, меҳмонхонага ёткизиб қўйишди. Бошқа пайт бўлса биз болалар бу хонага қадам босолмаймиз. Меҳмонхонага кириш биз учун байрамдек гап. Ҳозир бўлса бурчакда юмшоқ пар тўшакда тўралардек талтайиб ётибман. Фақат сал нафас олсам биқиним санчади. Шундай қаттиқ санчадики ичимда олов ёниб кетгандай бўлади. Йўталиш ундан ҳам азоб. Секин йўталсам оғзимдан тирқираб қон оқиб кетади. Ёнбошимда қон ертилавериб қизариб кетган сочиқ ётибди.

Ҳеч ким мени юпатиб ўтирмади. Ҳеч ким Хамитьянни ёмонламади ҳам. Фақат бир марта отам олдимга келди. У менга диққат билан узоқ тикилиб турди-да хўрсинди:

— Майли, пишийсан...

Шундай деди-ю чиқиб кетди.

Акаларим бирма-бир кириб жимгина қараб туришди-да жўнаб қолишди. Кичик укаларимни чамаси ёнимга киритишмас эди. Бир маҳал Кичик Ойим кирди-да секин пешанамдан ўпди.

[Давоми бор].

• УЙ БЕКАЛАРИГА

ЁҒСИЗ ҚОВУРИШ УЧУН ТОВА

Кўп уй бекалари шундай това бормикан деб ҳавас қиладилар. Бундай товалар бор. Улар фторопласт билан плёнка қилиб қопланган металдан тайёрланади. Мамлакатимизда шу мақсадда метални қоплашда Ф—4Д маркали фторлон қўлланилади. Тованинг туби жуда текис тайёрланади, натижада овқат куйиб кетмайди. Бундай конструкцияда тайёрланган товага озроқ ёғ солиб ёки умуман ёғсиз бемалол ҳар қандай қовурилиш учун ишлатиладиган истеъмол қилинадиган таомларни қовуриш мумкин. Фторопласт — жуда мустаҳкам бўлганлигидан това ўз «янги» хусусиятини узоқ вақт сақлай олади. Узоқ текширишлар шуни кўрсатдики, фторлон қоплама билан тайёрланган идишлар умуман киши организмига зарарсиз экан. Шу сабабли СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги томонидан юқоридаги тованинг тажриба туркумини чиқаришга рухсат этилди.

Бизнинг мамлакатимизда фторопласт билан қопланган металл буюмлар фақатгина озиқ-овқат тайёрлаш мақсадларида ишлатилмайди. Юқоридаги усул билан тайёрланган идиш ва ҳар хил деталлар бир қанча бошқа муҳитда ҳам бемалол ишлайверади. Масалан, концентрланган сульфат, хлорид, фторид, сирка ҳамда азот кислотали ва ишқорли муҳитларда ҳам ўз хусусиятини узоқ вақт йўқотмайди. Фторопласт билан қопланган алюминий идишлар тоза реактивларни ишлаб чиқаришда ҳам қўлланилади. Ундан химия лабораторияларида ишлатиладиган шиша асбобларни ҳам қоплашда фойдаланилади.

КЎҲНА МАЙДОННИНГ ИККИНЧИ ЁШЛИГИ

ГРУЗИЯ ССР. Кўҳна Тбилиси тобора ёшармоқда. Бир ярим минг йиллик тарихга эга бўлган эски шаҳарни таъмир этиш-реконструкция қилиш планига мувофиқ Колхоз майдонидаги бинолар комплексини тиклаш ишлари амалга оширилди. Осма балконларга эга бўлган, ёғоч ўймакорлиги билан безатилган биноларнинг ташқи кўриниши асл қиёфасига кирди.

СУРАТДА: қайта тикланган кўҳна майдоннинг бир қисми.

ТАСС фотохроникаси.

• Фан оламида

КВАРЦ ЎТМИШНИ БИЛДИРАДИ

Оддий кварц олимларнинг планетамиз геологик ётқизиқлари ёшини аниқлашларига, шунга қараб фойдали қазилма конлари бўлиши эҳтимол тутилган жойларни топишларига ёрдам берди. Эстония ССР Фанлар академиясининг геология институтида ердаги ётқизиқлар ёшини кварц асосида белгилашнинг аниқ методи ишлаб чиқилди.

— Кўпчилик минераллар люминесценция хоссасига эга эканлиги ҳаммага маълум, — дейди институтнинг катта илмий ходими Г. Хютт. — Лекин шулардан озгинасигина олинган нур информацияни узоқ вақт сақлай олади. Кварц шулар жумласидан бўлиб, бундай информацияни 5 миллион йилгача сақлай олади. Бу минерал ҳамма ерда тарқалганлиги яна қўл келади.

Геохронологик тадқиқотларда, фойдали қазилмаларни излашда эстониялик геологлар ишлаб чиққан усулдан фойдаланиш тавсия қилинади.

С. СМИРНОВ,
ТАСС мухбири.

ОЛИЙ МАКТАБЛАР ҲАЁТИ

Вақт ғанимат

Тошкент алоқа электротехника институтида ўтказилган тадбирлар комплекси студентларнинг беҳуда кетадиган вақтини мумкин қадар қисқартиришга ёрдам берди. Бу тадбирлар олий мактаб илмий-методика кенгашининг тавсиялари бўйича амалга оширилди. Кенгаш бундан олдин социологик тадқиқотлар ўтказганди.

Турли курслар ва факультетларнинг студентларига 700 та анкета тарқатилди. Олинган маълумотлар ишлаб чиқилгач, ҳар бир кафедрада программа материалининг қийинлиги ва уни тайёрлашга кетадиган вақтни назарда тутиб, айрим предметларни ўқитиш методикаси қайтадан кўриб чиқилди. Эндиликда ўқув жараёнига техника воситаларининг жорий этилиши студентларга курс ишлари ва лойиҳаларни тайёрлашда катта ёрдам кўрсатмоқда. Ҳисоб техникаси ва ўқув-ҳисоб маркази кабинетларининг очилиши шу лойиҳаларни ҳисоблаб чиқишга кетадиган вақтни қисқартирди. Кутубхона, буфет, ошхоналарнинг иш муддатлари ҳам қайтадан кўриб чиқилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида ўқув жараёнининг ҳамма кўрсаткичлари яхшиланди: ўзлаштириш даражаси ошди, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи студентлар сони кўпайди.

(ЎзТАГ).

• Фан ва техника изланишлари

Ғаройиб лента

Бир кассета магнит лентаси жуда кўп музика ёзувлари коллекциясини сиғдира олади. Белоруссия Фанлар академияси қаттиқ жисм ва ним ўтказгич материаллар институтида ишлаб чиқилган магнит информациясини ёзиб оладиган ва уни эшиттирадиган митти датчиклар шундай имконият яратади. Бундай датчик иш юзининг эни миллиметрнинг ўндан бир неча улушидан, қалинлиги эса 1—2 микрондан ошмайди. Бинобарин одатдаги лентада шуларнинг ёрдами билан ўнлаб ва ҳаттоки юзлаб товуш йўли ҳосил қилиш мумкин. Чунончи, бундай датчиклар билан ускуналанган магнитофондаги ёзув сифати мавжуд аппаратга нисбатан анча яхши бўлади.

Магнит ёзуви — митти датчикларнинг бирдан-бир ҳунари эмас. Мамлакатимиздаги турли илмий марказлардан шундай датчикларни сўраб БССР Фанлар академиясига кўпдан-кўп талаблар тушмоқда. Улар зарядланган зарба тезлаткичлар ишини контроль қилишда, металларни пайвандлаш янгича методларини пишиқтиришда ҳам ишлатилади. Ғоят митти датчиклар сейсмик аппаратлар сезгирлигини ва микрометрлар аниқлигини кўп марта ошира олади.

Янги датчиклар билан олиб борилган дастлабки экспериментлар улар ғоят истиқболли, аниқ ва пухта ишлашини кўрсатди.

Д. ПАТИКО.
ТАСС мухбири.

УЗБЕКИСТОН ССР. Тошкентдаги тажриба ижодий амалий санъат комбинати маҳсулотлари — миллий сервизлар, сопол лаганлар, сополдан ишланган турли совғалар мамлакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳурдир. Утган йили «Юбилей йилига — зарбдор якун» меҳнат вахтасида туриб ишлаган корхона ишчилари сентябрь ойидаёқ йиллик планни бажарган эдилар. Улар йил охиригача планга қўшимча 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди.

СУРАТДА: комбинат рассоми Хайригул Ҳожиева.

ТАСС фотохроникаси.

«АЛИ-БОБО» ВА УНИНГ ЯРАТУВЧИЛАРИ

Совет режиссёри Латиф Файзиев Совет — Ҳиндистон кинематографчилари ҳамкорлигида яратиладиган «Али-бобо ва қирқ қароқчи» фильмини суратга туширишга тайёргарлик муносабати билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. АПН мухбири Генриэтта Репинская Ҳиндистонга учиш олдидан Латиф Файзиевдан фильм устида ҳозир қандай иш олиб борилаётганлиги ва унинг бу сафардан кўзда тутган мақсади ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.

— Мен Ҳиндистонга ҳамкасбим — режиссёр Умеш Меҳра ва «Игла — фильм» студияси вакиллари билан биргаликда муҳокама қилиш учун ўзимнинг режиссёрлик сценариямни олиб кетаётирман. — дейди Латиф Файзиев. — Бундан ташқари биз бош ролларни ижро этувчи артистлар ҳақида ҳам келишиб олишимиз керак. Менимча, Али-бобо ва Маржон (бу асарнинг марказий ролларидир) образларини ҳиндистонлик актёрлар яратишса керак.

«Али-бобо ва қирқ қароқчи» рангли ва музикали фильм бўлади. Унда энг камида 5—6 та қўшиқ янграйди. Бу қўшиқларни яратишда эса бизга ҳиндистонлик композитор яқиндан ёрдам беради. Қўшиқларни ҳам ҳинд актёрлари ижро этишади.

Шунингдек, мен Ҳиндистонга, Ўзбекистон Давлат мукофотининг лауреати, республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби рассом Калантаров томонидан яратилган бир нечта декорациялар эскизларини ҳам олиб кетяпман. Шубҳасизки, Калантаров иши танқидчилар ва томошабинлар томонидан юксак баҳоланади. Унинг «Али-бобо» учун қилган иши мени жуда мамнун этди.

Ушбу фильм Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари, шунингдек Ўзбекистоннинг қадимий ёдгорликларга бой бўлган бир қатор шаҳарларида суратга олинади.

«Али-бобо» фильми менинг учинчи бор ҳиндистонлик кинематографчилар билан ҳамкорликда яратаётган фильмимдир, — деб давом этади Латиф Файзиев. — Биринчи марта мен ёзган «Севги гулдастаси» сценарийсини суратга туширишда ҳиндистонлик артистлар билан ҳамкорлик қилганмиз. Мен бу фильмни Бедилнинг «Комде ва Мадан» поэмаси асосида яратган эдим.

Иккинчи фильм эса тожик шоири Мирза Турсунзоданинг поэмаси асосида яратилган «Ганг узра тонг» фильми бўлди. Ҳиндистонлик кинематографчилар билан биргаликда олиб бораётган ишимиз давом этаётганидан бениҳоя ҳурсандман.

Ҳиндистон жуда гўзал мамлакат. Ўйлашимча, кишилар бу мамлакат ҳақида жуда кўп нарсаларни билишни истайди. Шунинг учун ҳам бизнинг ҳар бир учрашувимиз унутилмас таассуротларга бой бўлади.

АПН.

• Менинг милициям

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Ленин район ички ишлар бўлимининг участка инспектори Тоҳир Набиевич Набиевнинг ички ишларда хизмат қилаётганига ўттиз йил бўлди. У ҳозир ўзи юриб кетаётган кўчадан кўп марта ўтган. Оғир ва салмоқли қадам ташлаб бораётганидан анча ҳоригани сезилиб турибди. Лекин у тасодиф, майда безориликлар бўлиб турадиган бу кўчани яна бир марта айланиб чиқмагунча уйга қайтмасликка қарор қилди.

Тоҳир ака оҳиста қадам ташлаб борар экан унинг кўз олдига бир воқеа келди...

Бу воқеа бундан қирқ йил олдин бўлган эди. Тоҳир синглиси билан бирга уйдаги печка олдида ўтириб, оталарини кутишарди. У эрталаб уйдан бугун ойлик олишини ва болаларига совға олиб келишни ваъда қилиб чиқиб кетган эди. Лекин болаларнинг қувончи узоққа чўзилмади. Ўша куни уларнинг отаси уйга яланг оёқ кириб келди. Ишдан қайтаётганида қандайдир номаълум шахслар унинг йўлини тўсиб, ойлигини тортиб олишганлиги, ҳатто этигини ҳам ечиб олишганини айтиб ҳафа бўлди. Бу сўзларни эшитиб болаларнинг онаси ҳуноб бўлиб йиғлади. Тоҳиржон унда жуда ёш эди. Лекин қалбида бешафқат, отасининг пулларини тортиб олган шахсга нисбатан нафрат туғёни уларди. У шу заҳоти кўчага югуриб чиқиб, ўша одамни топгиси ва адабини бериб қўйгиси келиб кетди. Лекин ҳали у бунга қодир эмасди. Кўп ўтмасдан мамлакатимизда Улуғ Ватан уруши бошланди.

Тоҳир «Мени фронтга жўнатинглар» деган илтимос билан ҳарбий комиссарнатга мурожаат қилди.

— Э, ука ҳали ёшсан, — дея унга жавоб берди сочларига оқ оралаб қолган старшина. — Ҳозирча фронт ортида сенинг хизматинг кўпроқ зарур.

Шундай қилиб кечагина ўқувчи бўлган Тоҳир Тошкентдаги заводлардан бирида токарь бўлиб ишлай бошлади. У ҳар куни 12—16 соатлаб меҳнат қиларди. Лекин ҳориш нималигини билмасди. Шу ерда у комсомол сафига ўтди. Тоҳир аканинг кўксидаги «Улуғ Ватан уруши йилларидаги шавкатли меҳнати учун» медали у бу йилларда қандай меҳнат қилганлигини кўрсатиб турибди. Тоҳир Набиев 20 ёшга тўлганда унинг болалик орзуси ушалди. У милиция сафига ишга кирди. Унда ҳали етарли тажриба йўқ эди. Оғир дамларда у кекса ходимларнинг ёрдамига таяниб иш кўрди. Аста-секин коллектив орасида ҳурмат қозонди.

Милицияда хизмат қилаётган йиллари давомида у жуда кўп одамларнинг ҳаётдан тўғри йўл топиб олишига кўмаклашди. У ана шу кишилар билан ҳозир ҳам кўчаларда тез-тез учрашиб туради. Уларнинг айримлари самимий саломлашишади.

Милиция кийимидаги бу камтар кишини район саноат корхоналари, ташкилотлар ва муассасаларда тез-тез учратиш мумкин. У бу жойларга лекция ўқиш, маълум камчиликларни бартараф қилиш ниятида келади. Безориликка, ичкиликбозликка қарши қандай курашиш кераклиги ҳақида лекциялар ўқийди. Унинг ҳар бир сўзи ва гапида инсон тақдири, унга бўлган меҳр сезилиб туради.

...Тоҳир Набиев таниш кўчадан ўтиб бораётганда аста тўхтади. Нимагадир яқинда худди шу ерда бўлган ҳодиса ёдига тушди. Ўша куни маҳаллада истиқомат қилаётган кишилардан бири уйининг олдида қон изи пайдо бўлиб қолганлиги ҳақида хабар қилди. Милиция майори аҳволни синчиклаб текшириб чиқди. Лекин ҳеч нарса тополмади. Омборхонага кирганда эса баданининг кўп жойи пичоқланган бир одам оғир нафас олиб ётганини кўрди. «Ахир бу инсонку, унинг ҳаётини сақлаб қолиш керак» дарҳол қатъий хулосага келди участка инспектори. Орадан кўп ўтмасдан «Тез ёрдам» машинаси етиб келди. Жабрланувчини касалхонада операция қилишгунга қадар жиноятчи ушланди...

Участка инспекторининг амалга ошираётган ишларининг саноғига етиб бўлмайди. Уларни синчиклаб назардан ўтказган киши участка инспектори инсон осойишталиги учун курашяпти деган хулосага келиши мумкин. Шу нарса Тоҳир Набиевни тинмай изланиш, тунларни бедор ўтказишга ундамоқда.

В. ТИХОМОЛОВ.

• Ҳар тўғрида

САМОВИЙ «БАРОМЕТР»

▲ Қиш кунлари Қуёш ёки Ой атрофидаги ҳалқа давомли совуқ изғириндан дарак беради. Қишда ой думалоқ, тиниқ бўлса ҳаво совуқ, бир учи пастга қараган бўлса иссиқ бўлади.

▲ Юлдузларнинг ёрқин, тез жимиллаши — ёмғир яқинлигидан далолат беради. Юлдузлар ёмғирдан олдин ҳаворанг, қуруқ ҳаво олдидан эса яшил тусда товланади. Юлдузларнинг нури қайси томонда узунроқ туюлса ўша ёқдан шамол эсади. Агар қишда юлдузлар зич кўринса — совуқ бўлади.

ҲАКИМНИНГ НАСИҲАТИ

1738 йили машҳур голланд ҳакими Герман Бурхаве вафот этгач, унинг муҳрланган буюмлари орасида «Табобат» деб номланган юз саҳифалик қалин китоб топилди. Бу китоб ким ошди савдоси билан олтин ҳисобида 10 минг долларга сотилди. Муҳр бузиб, китоб очилганида унинг ички саҳифаларига ҳеч нима ёзилмаганлиги маълум бўлди. Фақат илк варақдагина шундай сўзлар ёзилган экан:

«Бошингни совуқ, оёғингни иссиқ тут, шунда сен энг зўр табибни ҳам қашшоқ қила оласан».

Жарангдор дўмбира устаси

Гурьевлик уста Бисенгали Мурзағалиев халқ чолғу асбоблари оркестрларидан бирига кичкинагина қўбиздан тортиб каттакон дўмбира — контрабасгача — 27 та асбоб ясаб берди.

Мурзағалиев санъати кўпчиликка маълум, унинг моҳир қўллари юзлаб асбоб ясаган. Кекса оқинлар айниқса қадрлайдиган дўмбираларни унинг бобоси ва отаси ҳам ясарди. Бисенғалининг асбоблари пойтахт концерт залларида, қишлоқ ва ишчи клубларида жарангламоқда. Уста бир куни консерватория ўқитувчиларининг илтимосига биноан қадимги чизмалар асосида торли қадимий халқ чолғу асбоби — қил қўбизни ясади. Кўп ўтмай: «Сиз қил қўбизнинг унутилган сирини айнан қайта тиклаган сеҳргарсиз», — деб ёзилган телеграммани олди. Бисенғали ўзининг ноёб касб маҳоратини ёш шогирди М. Мулдағалиев билан музика билим юртида таълим олаётган ўғли Манарбекка ўргатмоқда.

(ТАСС).

ЛАТВИЯ ССР. Шу кунларда Ригадаги маиший хизмат кўрсатиш корхоналари коллективларининг қўли-қўлига тегмайди. Улар «Риганн аҳолига юксак маданий хизмат кўрсатиш шаҳрига айлантирамиз» шиори остида ишлашмоқда. Утган йили хизмат кўрсатиш усталари аҳолига 23 миллион сўмлик турли хизмат кўрсатишди.

СУРАТДА: «Ригас экспресис» ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги хизмат кўрсатиш усулларидан бири — мактабгача ёшдаги болалар билан машғулот ўтказиш. Бирлашма хизматчиси Верча Краевская ўз талабалари орасида.

ТАСС фотохроникаси.

ЯНГИ МАКТАБ

Фарғона областидаги ихтисослаштирилган «Ўзбекистон» совхозининг қишлоқ мактаби янги бинога кўчиб ўтди. Янги бинода кенг, шинам синфлар, спорт зали, ошхона бор. Мактабда бир вақтнинг ўзида боғдорлар ва сабзавоткорларнинг 680 фарзанди ўқий олади.

«Узплодоовощвинпром» аграр саноат бирлашмасининг хўжаликларида болалар муассасалари кўпайиб бормоқда. Самарқанд областидаги Фозил Йўлдош ўғли номли совхозда ҳам худди шундай мактаб фойдаланишга топширилди.

[ЎзТАГ].

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 5/I да **Тоҳир ва Зуҳра** (19.00), 6/I да **Борис Годунов** (12.00), **Жизель** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Уйланиш** (11.00), **Қор маликаси** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/I да **Гулбаҳор қани?** (19.30), 6/I да **Навоий Астрободда** (14.00), **Кўнгли ёш қариялар** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/I да **Кўзингни каттароқ оч** (12, 15.00).

КИНО

5 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 21.00), «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА» «НУКУС» (кечқурун).

Бу ишнинг менга дахли йўқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ЛИСУНОВ номли (кечқурун).

Қалби поралар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

6 ЯНВАРДА

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Қалби поралар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Она — ҲАМЗА номли (10.00).

Куйбишев номли Самарқанд Совет савдо институти томонидан **Аҳмедов Бегим** номига берилган 428923 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИРОВ РАЙПИШЧЕТОРГИ

«ФЕРУЗА» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8— 10-синф ҳажмида маълумотли, 16— 24 ёшли тошкентлик ва Тошкент областининг Калинин, Оржоникидзе ва Тошкент районларидаги қизлар қабул қилинади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Мурожаат учун адрес: Толстой кўчаси, 6-уй, кадрлар бўлими (2, 3, 23, 25, 28, 22-трамвайлар ва 4. 18-троллейбусларнинг «Болалар дунёси» универмаги бекати). Телефонлар: 33-95-24, 33-07-58.

«УЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

Тошкент ихтисослаштирилган ремонт-монтаж бошқармаси совутиш ва савдо-технология ускуналарига хизмат кўрсатиш, ремонт қилиш ва монтажи бўйича механиклар тайёрлайдиган

4 ЯРИМ ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга 8— 10-синф ҳажмида маълумотли 20 ва ундан катта ёшдаги тошкентликлар қабул қилинади.

Ўқувчилар стипендия билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри— 31, Грампластинка кўчаси, 4-уй (1, 4, 17, 24, 69, 71-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

5 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 Қиш қўшиқлари. 19.00 «Миллионлар ленинча университети». 19.30 А. Островский қўшиқлари мавзуига ёзилган фантазия. 19.40 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». Давлат Третьяков галереяси. Янги асарлар. 20.10 «Гимнастика, гимнастика». Останкино концерт студиясида бадиий гимнастика бўйича спорт мастерлари билан учрашув. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти. 1-бўлим. 23.15 «Тўрт трамплинда мусобақа». Инсбрукдан олиб кўрсатилади (Австрия). 24.00 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «1977 йил Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари». 18.40 «Партия планлари — халқ планлари». «Туямўйин гидроузели — зарбдор қурилиш». 19.10 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.25 «Қасос». Бадиий фильм. 1-серия. 20.30 «Ахборот» информацион программаси 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли телевизион видеофильм. 4-қисм. 23.00 «Совет Ўзбекистони». Телевизион киножурнал. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа

Тошкент кўрсатади. 18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 «Кругозор» Илмий-оммабоп программа (рус.). 19.30 Эстрада концерти. 20.00 Тошкент янгиликлари. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика.

6 ЯНВАРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 9.30 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 9.50 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Кўп серияли телевизион мультфильм премьераси. 7-серия. «Ғаройиб жасоратлар». 10.05 «Звёздочка». Болалар учун киноальманах. 10.55 «Кракатук ёнғоқ». Телевизион музикали фильм. 12.05 Телевизион ҳужжатли фильм. 15.00 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар программаси. 15.30 «Адабий ўқиш». Н. А. Некрасов. Поэмалар. 16.10 «Москва ва москваликлар». 16.40 «Олга, болакайлар». 17.40 «Лэсси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 13-серия. «Ёввойи табиат чорлайди». 14-серия. «Лэсси ва тоғ қўйлари».

18.30 Янгиликлар. 18.40 «Ўнинчи номерли трамвай келарди». Мультфильм. 18.55 «Русская зима» санъат фестивалининг якунловчи концерти. 2-бўлим. 20.10 Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Спартак» (Москва) — НХЛ «Сент Луис» командаси. 1 ва 2 даврлар. АҚШдан олиб кўрсатилади. 21.30 «Вақт» информацион программаси. 22.00 Хоккей бўйича халқаро учрашув. «Спартак» (Москва) — НХЛ «Сент Луис» командаси. 3-давр. 22.40 «Гўзал мовий Дунайда». И. Штраус асарларидан концерт. Венадан олиб кўрсатилади. 23.50 Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

10.55 Кўрсатувлар программаси.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

11.00 «Цивиль лақабли кучукчанинг саргузаштлари». Кўп серияли телевизион бадиий фильм 5-серия (рус.). 11.30 «Арчада чироқлар порласин». Болалар боғчасида тарбияланувчиларнинг чиқиши. 12.00 «Қўлга тушмас қасоскорларнинг янги саргузаштлари». Бадиий фильм.

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «До-ре-ми-фа-соль» Болалар учун ўқув музикали кўрсатув. 18.30 «Зангори экран» почтаси». 19.00 «Илғорлар минбари». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.30 «Қасос». Бадиий фильм. 2-серия. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. 22.00 «Ойбек. «Қутлуғ қон». Кўп серияли телевизион видеофильм. 5-қисм. 22.55 «Машаққатли йўл». Телевизион ҳужжатли фильм (рус.). 23.25 Кўрсатувлар программаси.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

ЭЪТИБОРСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Тошкент кўчаларида йўл-транспорт ҳодисаларидан болаларнинг шикастланиши тасодифий ҳол бўлмай қолди. Утган йилнинг ўзидагина машина, трамвай, троллейбусларнинг ғилдираклари остида ўнлаб бола нобуд бўлганини ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а?! 320 дан ортиқ ўғил ва қиз ногирон бўлиб қолди. Ана шу ҳодисаларнинг бевосита айбдорлари албатта қилмишларига яраша жазоландилар. Лекин ҳамон ўнлаб шундай одамлар борки, улар ана шундай фожианинг бевосита сабабчиларидир.

Шуни айтиш керакки, болаларнинг йўлларда шикастланишларига қарши курашнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини тушунмайдиган одам бўлмаса керак. Республика Маориф министрлиги эса буйруқ ва мактуб чиқарган бўлиб, уларда болаларни йўл аварияларидан сақлашга қаратилган қатор аниқ тадбирлар белгиланган. Ана шу тадбирларнинг энг муҳимларидан бири — ҳамма мактабларда биринчидан то саккизинчи синфгача кўча ҳаракати қоидаларини албатта ўргатишдир. Ишлаб чиқилган программага мувофиқ, бундай машғулотлар ўқув йили давомида дарсдан ташқари пайтларда камида ўн марта ўқитилиши керак. Ўтилган машғулотлар тўғрисидаги ёзувлар синф журналидаги махсус ажратилган варақларда қайд этилиши керак. Тошкент мактабларида кўча ҳаракати қоидаларини ўрганиш амалда қандай ташкил этилган? Текширув давомида қуйидагилар аниқланди.

Аввало, биз 111-мактабга бордик. Гап шундаки, 1977 йилда ушбу мактабнинг беш ўқувчиси турли хил йўл транспорт ҳодисаларидан жабрланди. Текширув натижасида ҳодисалар тасодифан рўй бермаганлиги аниқланди. Синф журнали варақлаб чиқилганда, уларнинг ҳар бирида йўл қоидаларидан 10—14 марта машғулот ўтилганлиги қайд этилган. Бу машғулотлар уч ойда уч баравар ортиб борган! Бу, нормадагидан кўп. Агар машғулотлар ҳақиқатан ҳам олиб борилганда эди, бундай куч-ғайрат сарфлашни табриклаш мумкин эди. Амалда эса, ҳамма синфларда ҳам йўл ҳаракати қоидалари бўйича 14 тадан эмас, балки бирорта ҳам машғулот ўтказилмаган.

Ана шу муҳим ишдан мактаб раҳбарлари мутлақо ўзларини четга олганлар. Мактаб директори Ж. Шаҳобиддинов тасодиф ҳодисанинг олдини олиш учун тадбир-чоралар ташкил этиш ўрнига, ўқувчилар томонидан кўча ҳаракати қоидаларининг бузилиш ҳолларини ҳаспўшлаш тўғрисида қайғурган.

191-мактабда ҳам тахминан худди шундай усул қўлланилган. Ана шу мактаб ўқувчилари йил давомида уч бор аварияга учрашди. Шунга қарамай, ана шу бахтсиз ҳодисалардан сўнг қандай тушунтириш ишлари олиб борилди, деб берган саволимизга мактаб директори Г. П. Карнаухова ҳотиржамлик билан шундай жавоб қилди:

— Ҳеч қандай иш қилинмади. Ҳодисани ҳамма билгандан кейин, уни такрорлашнинг нима ҳожати бор?

Бундай жавобдан кейин биз 191-мактабда йўл қоидаларини ўрганиш юзасидан ҳеч қандай иш олиб борилмаётганлигига асло таажжубланганимиз йўқ.

163-мактаб ўқитувчилари мавжуд программага мутлақо риоя қилмайдилар. Йўл қоидаларига бағишланган машғулот мавзуси ўқитувчилар томонидан ўзлари истагандек танлаб олинади. Масалан, 2 «А» синф раҳбари А. Мансика йўл қоидаларига бағишланган дарсда ўқувчиларга ёнғинга қарши алланималар ҳақида гапирди. Ўқитувчи П. Шайдулина биринчи синф ўқувчиларига энг яхшиси автомат светофорнинг электр қурилмалари тўғрисида ҳикоя қилиб беришни афзал кўрди.

Биз Киров районидаги 5 ва 9-, Октябрь районидаги 42 ва 132-, Чилонзор районидаги 103 ва 173-мактабларда ҳам ана шундай ҳолларга дуч келдик.

Юқорида келтирилган мисоллар Тошкент мактабларида йўл қоидаларини пропаганда қилиш ёмон аҳволда йўлга қўйилганлигини исботлаб турибди. Бизнингча, мактабларнинг айрим раҳбарлари ўзларининг ана шу масалага бефарқ қарашлари билан улар болалар орасида бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг бевосита айбдорлари бўлиб қолишмоқда.

Б. ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги Давлат автоинспекцияси бошқармасининг инструктори.

Б. НОСИРОВ,
Тошкент шаҳар ижроия комитети Ички ишлар бошқармаси Давлат автоинспекциясининг инструктори.

Ўзбекистон КП Октябрь район комитети ва халқ депутатлари Октябрь район Советининг ижроия комитети 1932 йилдан буён КПСС аъзоси, шахсий пенсионер.

Баҳром ИБРОҲИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

«Средазэнергоцветмет» ишлаб чиқариш-техника корхонаси коллективи катта инженер А. Юнусовга отаси

Юнус ФАЙЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

5 ЯНВАРЬ, 1978 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
(«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН ПРОСПЕКТИ ,41-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Р — 07406.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. «Правда Востока» кўчаси, 26.

ИНДЕКС 64579.

Нашр Д—1204.